

БИСМИЛЛААХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Вузу (таҳорат) олганда оёқларга масҳ тортиладими ёки ювиладими?

Куръони Карим кўрсатмасига биноан, ҳар бир мусулмон намоз ўқишидан олдин вузу (таҳорат) олмоқлиги фарзdir. Энди вузу олаётib бошга масҳ тортгандан кейин оёқларга ҳам масҳ тортиш ёки оёқларни ювиш фарзлиги хусусида Аҳли-Байт издошлари билан Аҳли суннат ўртасида ихтилоф мавжуд. Аҳли суннат вузу олганда оёқларни ювишни вожиб деб билиб оёқларга масҳ тортиш эса кифоя эмас, деб айтишади. Лекин Аҳли-Байт издошлари эса вузу олаётганда бошга масҳ тортиш вожиб бўлганидек, оёқларга ҳам масҳ тортишни вожиб деб билиб, оёқларга масҳ тортиш ўрнига уларни ювиш вузунинг ботил бўлишига сабаб бўлади, деб айтишади.

Ушбу мавзу ҳақида муфассал сўз юритишдан олдин бир ингичка масалага тўхтамоқчимиз. Агар олим ва донишмандлар турли масалалар устида баҳслашиб, ихтилофга боришка ва уларнинг ҳар бири ўз фикр-мулоҳазасини билдирса, ўша масалалар қийин ва мураккаб бўлган тақдирда ҳайратланиш ёки шубҳа қилишга ўрин қолмайди. Бироқ Ислом оламида баҳс ва мунозарага учраган айрим масалалар мавжудки, улар ҳақида ихтилофга бориш кутилмай ва қоидага кўра, улар устида баҳс юритишга мутлақо ўрин йўқдир. Шунга қарамай, ҳайратланарли ва шубҳали бўлган мана шундай ихтилофлар юзага келганлигини кўрамиз. Мисол тариқасида, вузу (таҳорат) олиш тартибида ихтилоф қилиш ҳамда намозда сура ўқиётганда «*Бисмиллааҳир Роҳманир Роҳийм*»ни айтиш суранинг бир қисми ҳисобланиб уни айтиш керакми ёки ўқимасдан ташлаб ўтиш керакми?! Ҳолбуки, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг 23 йил пайғамбарликлари давомида ушбу масалалар мусулмонларнинг кўз ўнгидаги такрор бажарилиб, уларга ошкор бўлиб келган эди. Бундай масалаларда ихтилоф бўлиши табиий эмас. Шу боис, тадқиқотчи киши қандай қилиб мусулмонлар вузу олиш масаласида ихтилофга боришганини ўрганиб чиқиши керак бўлади. Наҳотки мусулмонлар 23 йил мобайнида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг қандай таҳорат олганларини кўрмаган бўлсалар!

Бу ерда биринчи навбатда фикҳ ва шариат йўналишларидаги ихтилофга асос бўлган бу ихтилофлар ортида қандай омиллар турганини аниклаш учун масаланинг тарихий илдизини ўрганиш керак. “Таҳоратда оёқларнинг хукми” масаласи – масҳ тортиш ёки ювиш нуқтай назаридан ана шу

ихтилофли масалалардан бири бўлиб, аслида бундай масалаларда ихтилоф бўлмаслиги керак эди. Лекин кутилганидан фарқли ўлароқ, ушбу масала ихтилофга учраган муҳим масалаларданdir.

Таҳорат олганда оёқларга масҳ тортиш ёки уларни ювиш масаласи бўйича, мусулмонлар орасида тўрт йўналиш мавжуд:

1. Оёқларга масҳ тортмоқ вожибdir. Имомия ва Ибн Аббос бу йўналишни қабул қилганлар.
2. Оёқларни ювиш вожибdir. Аҳли суннатнинг айрим уламолари бу фикрни айтганлар.
3. Оёқларга масҳ тортиш билан уларни ювиш ўртасида бирини ихтиёр қилмоқлик. Фахри Розий ва бошқаларнинг ривоятига кўра, ушбу фикрни Муҳаммад ибн Жарийр Табарий ва Ҳасан Басрий қабул қилишган.
4. Оёқларга масҳ тортиш билан уларни ювиш ўртасини жамлаш фарзdir. Довуд ибн Али Зоҳирий ва Зайдийя фирмасидан бўлган Носир Ҳак бу йўналишни вазифа деб билганлар.

ҚУРЬОНДА КЕЛГАН ВУЗУ ОЯТИ ҲАҚИДА

Масаланинг тафсилотига киришдан олдин дастлаб Қуръони Каримда бу ҳақда бирор нарса айтилганлиги ёки айтилмаганлигини аниқлашимиз керак. Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло томонидан нозил бўлган Қуръони Каримнинг охирги сураси бўлмиш Моида сурасида намоздан олдин таҳорат олиш ҳақида шундай дейилган:

﴿إِنَّمَا أَيُّهُمَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قَمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَهْرَافِ
وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ﴾

«Эй иймон келтирсанлар, қачон намозга турсаларингиз, юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсаклари ила ювингиз. Ва [таҳорат сувидан намланган қўлларингиз билан] бошларингизга ҳамда оёқларингизга бўғимларгача масҳ тортингиз» (Моида сураси, 6-оят)

Ушбу ояти каримада вузу олаётганда оёқларга масҳ тортиш кераклиги аниқ ва ошкор ҳолда айтилган. Оятда «أَرْجُلَكُمْ» яъни «оёқларингиз» сўзи «وَامْسَحُوا» «масҳ тортинглар» феълидан кейин келтирилган ва агар таҳоратда оёқларни ювиш керак бўлса эди, уни «فَاغْسِلُوا» «ювинглар» феълидан кейин келтириш керак бўларди. Ушбу масала Араб тили

адабиётидаги очик-оидин нарсалардан биридир. Бинобарин, «أَرْجُلْكُمْ» мажрур, яъни касрали бўладими ёки мансуб, яъни фатҳали бўладими, «وَامْسَحْوَا» «масҳ тортинглар» феъли кетидан келгани учун таҳорат олиш пайтида оёқларга масҳ тортиш лозимлигини англаатади.

Ушбу масалага бир оз изоҳ берадиган бўлсак, «أَرْجُلْكُمْ» калимасининг эъробида иккита машҳур қироат [ўқиши] бор:

1. Ҳамза, Ибн Касир, Абу Амр ва ҳатто Осим [Абу Бакрнинг ундан қилган ривояти бўйича] каби машҳур қорилар «أَرْجُلْكُمْ» калимасини «Жарр», яъни Касра билан ўқиганлар.

2. Нофеъ, Ибн Омир ва Осим [Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти бўйича] каби бошқа бир гуруҳ машҳур қорилар «أَرْجُلْكُمْ» калимасини «Насб», яъни Фатҳа билан ўқиганлар. Ҳозирги барча Қуръон китоблар ушбу қироат асосида ёзилган.

Агар оятдаги «أَرْجُلْكُمْ» калимаси «Жарр», яъни Касра билан ўқилса, у ҳолда «أَرْجُلْكُمْ» калимаси «رُءُوسُكُمْ» “бошларингиз” сўзининг зоҳирига атф қилингани, яъни боғлангани ошкора маълум бўлиб, унинг маъноси таҳорат олганда бошларингизга масҳ тортганингиздек, оёқларингизга ҳам худди шундай масҳ тортингиз, деганидир. Яъни таҳорат олганда ҳар иккала аъзонинг ҳукми ҳам масҳ тортиш эканлиги аёндир. Чунки, «وَامْسَحْوَا» «масҳ тортинглар» феъли ҳар иккала сўзининг омили бўлиб, уларга зоҳирда Касра бериш билан ўз амалини кўрсатган.

Агар оятдаги «أَرْجُلْكُمْ» калимаси «Насб», яъни Фатҳа билан ўқилса, яна ўша «رُءُوسُكُمْ» “бошларингиз” сўзининг маҳаллига атф қилинади, яъни боғланади. Зероки, «رُءُوسُكُمْ» сўзининг маҳалли Насбдир, агарчи Жар ҳарфи «ـ» зоҳирда ушбу сўзни мажрур, яъни касрали қилган бўлса-да, лекин «رُءُوسُكُمْ» сўзининг маҳалли Насбдир. Чунки, «رُءُوسُكُمْ» сўзи «وَامْسَحْوَا» «масҳ тортинглар» феълининг мафъули, яъни тўлдирувчиси бўлиб, Араб тилида тўлдирувчининг эъроби Насб, яъни Фатҳадир, лекин Жар ҳарфи «ـ» сабабли зоҳирда касрали бўлиб келган.

Маҳалга атф қилиш (боғлаш) Араб тилида кенг тарқалган бўлиб, Қуръони Каримда ҳам маҳалга атф қилиш келган. Юқоридаги оятдан ташқари қуйидаги оятда ҳам шундай дейилган:

﴿إِنَّ اللَّهََ بِرَيْءٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ وَرَسُولُهُ﴾

«Аллоҳ ва Унинг Расули мусириклардан безордир» (Тавба сураси, 3-оят). Ушбу оятда «ва Унинг Расули» заммали ҳолда келган бўлиб, мана шундай ўқиш машхур ва кенг тарқалган. Ушбу «وَرَسُولُهُ» сўзининг заммали ҳолда келиши «إِنْ» исмининг маҳаллига атф бўлгани учундир. Яъни: «أَنَّ اللَّهُ أَنَّ اللَّهُ» иборасидаги «Аллоҳ» лафзи мубтадо, яъни гапнинг эгаси бўлгани учун Унинг маҳаллий эъроби Замма бўлиб, «وَرَسُولُهُ» сўзи Унинг маҳаллига атф бўлган (боғланган) ва шу боис, заммали бўлиб келган.

Бинобарин, «أَرْجُلَكُمْ» «оёқларингиз» калимаси ҳар икки ҳолатда ҳам, яъни Жар ва Насб ҳолатларида ҳам бир маънони англатади, у ҳам бўлса оёқларга масҳ тортишdir.

Демак, ҳар иккисининг, яъни бош ва оёқнинг ҳукми масҳ тортишдан иборат бўлиб, «أَرْجُلَكُمْ» сўзини Фатҳа билан ўқиганда ҳам «رُءُوسِكُمْ» сўзининг маҳаллига атф қилинади ва «أَرْجُلَكُمْ» сўзини Касра билан ўқиганда эса «رُءُوسِكُمْ» сўзининг зоҳирига атф қилинади. Ҳар иккала қироат [яъни ўқиш] ҳам Араб тилида қабул қилинган ва шак-шубҳасиз, бу икки хил эъроб ва қироат ояти кариманинг маъносини асло ўзгартирмай, маъно жихатидан ҳеч қандай фарқ йўқдир.

Юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида Аҳли суннатнинг машхур ва иирик уламолари таҳорат ҳақидаги ояти карима оёқларга масҳ тортишни англатганини айтиб, «أَرْجُلَكُمْ» яъни «оёқларингиз» сўзи яқиндаги сўзга атф қилинади, узокдагига эмас ҳамда ушбу сўзининг омили «وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ مَتَّعْنِيْلَار» феъли эканлигини ошкора баён қилишган. Биз бу ерда уларнинг баъзилари билдирган фикр-мулоҳазаларни келтирамиз:

١. قال ابن حزم: وأمّا قولنا في الرجلين، فإن القرآن نزل بالمسح، قال تعالى ﴿وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ﴾، وسواء قرئ بخفض اللام أو فتحها، فهي على كلّ حال عطف على الرءوس. أمّا على اللفظ وإمّا على الموضع، ولا يجوز غير ذلك.

1. Ибн Ҳазм айтади: «Икки оёқ ҳукми ҳақида айтганларимизга келсак, Қуръон оёқларга масҳ тортишни айтиб нозил бўлган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди: «Бошлиарингизга ҳамда оёқларингизга масҳ тортингиз». «أَرْجُلَكُمْ» сўзидаги Лом ҳарфи Касра билан ўқиладими ёки

Фатҳа биланми, ушбу сўз ҳар қандай ҳолда «رُءُوسِكُمْ» «бошларингиз» сўзига атф қилинади; ё унинг лафзига ёки маҳаллига ва бундан бошқаси эса жоиз эмас».¹

2. قال الرازي: أمّا القراءة بالجر فهي تقضي كون الأرجل معطوفة على الرءوس، فكما وجب المصح في الرأس كذلك في الأرجل. وأمّا القراءة بالنصب، فقالوا - أيضاً - أنّها توجب المصح، وذلك لأنّ قوله ﴿وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ﴾ في محل النصب، ولكنّها مجرورة بالباء، فإذا عطف الأرجل على الرءوس جاز في الأرجل النصب عطفاً على محل الرءوس، والجر عطفاً على الظاهر، وهذا مذهب مشهور النجاة.

2. Фахриддин Ар-Розий айтади: «Оятдаги «أَرْجُلُكُمْ» сўзини Жар, яъни Касра билан ўқишга келсак, у ҳолда «أَرْجُلُكُمْ» яъни «оёқларингиз» сўзи «бошларингиз» сўзига атф қилинишини талаб этади. Шунда вузу олганда бошга масҳ тортиши вожиб бўлганидек, худди шундай оёқларга ҳам масҳ тортиши вожибдир. Аммо «أَرْجُلُكُمْ» сўзини Насб, яъни Фатҳа билан ўқишга келсак, улар [тилишунос олимлар] яна Фатҳа билан ўқииш ҳам оёқларга масҳ тортишини тақозо этади, дейшиди. Зероки, Аллоҳнинг ﴿وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ﴾ «бошларингизга масҳ тортинглар» деган каломидаги «رُءُوسِكُمْ» сўзи Насб ўрнида келган, агарчи Жар ҳарфи «ـ» сабабли зоҳирда касрали бўлиб келган бўлса-да. Агар «أَرْجُلُكُمْ» сўзи атф қилинса, унда «أَرْجُلُكُمْ» сўзини Насб ҳолда ўқииш жоиз, чунки «رُءُوسِكُمْ» сўзининг маҳаллига атф қилинади ва яна «أَرْجُلُكُمْ» сўзини Жар ҳолда ўқииш жоиз, чунки «رُءُوسِكُمْ» сўзининг зоҳирига атф қилинади. Ва бу машҳур Араб тилишуносларининг таълимотидир».²

Тахорат ояти ва оёқларни ювиш масаласи

Юқорида юритган баҳсимиздан маълум бўлдики, «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзининг икки хил: «Фатҳа» ва «Касра» билан ўқилиши оёқларга масҳ тортиш кераклигига далолат қиласи. Демак, «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзини хоҳ «Фатҳа» билан ўқийлик ёки «Касра» билан, ҳар иккала ҳолатда ҳам оёқларга масҳ тортиш кераклиги тушинилади. Натижада «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзининг омили «وَامْسَحُوا»

1. Ибн Ҳазм, «Ал-Мұхалло шарҳул Мужалло», 2-жилд, 56-бет.

2. Фахриддин Ар-Розий, «Ат-тафсирул Кабиир ав Мафаатиҳгул гайб», 11-жилд, 161-бет, тахорат оятининг тафсирида.

«масҳ тортинглар» феъли бўлиб, «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзи «رُءُوسِكُمْ» сўзига атф қилинган ёки маҳаллига.

Агар таҳорат ҳақидаги ояти карима оёқларни ювишга далолат қилади, деб айтадиган бўлсак, унда омил олдинги жумлада келган «فَاغْسِلُوا» «ювинглар» феъли эканлиги ва «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзи «وَجُوهَكُمْ», яъни «юзларингиз» сўзига атф қилиниши керак бўлади ва бу эса «маътуф», яъни боғланувчи «أَرْجُلُكُمْ» билан «маътуфун алайҳи», яъни унга боғланувчи «وَجُوهَكُمْ» ўртасига бир ёт-бегона гап тушишини талаб этади ва ўша ёт-бегона гап «وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ» «бошлигинизга масҳ тортинглар» жумласидир. Ҳолбуки, маътуф ва маътуфун алайҳ ўртасини оддий бир сўз билан ажратиб бўлмайди, ажнабий жумла у ёқда турсин. Шу боис, арабларнинг фасоҳатли нутқида:

«ضَرَبَتْ زِيدٌ وَمَرَأْتُ بَيْكَرٍ وَعَمِروَأَرْجُلَكُمْ» «Зайдни урдим» ва «Бакринг ёнидан ўтдим ва Амрни ҳам, яъни урдим», деб Амрни Зайдга атф қилиш ҳолати асло ишлатилмайди.

Аҳли суннат уламоларининг «وَجُوهَكُمْ» сўзи сўзига атф бўла олмаслиги ҳақида айтган сўзларини кўздан кечирамиз:

۱. قال ابن حزم: لا يجوز عطف أرجلكم على وجهكم، لأنّه لا يجوز أن يحال بين المعطوف والمعطوف عليه بقضية مبتدئة.

1. Ибн Ҳазм айтади: «Оятдаги «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзини сўзига атф қилиш жоиз эмас. Чунки, янги бошлинувчи бир гап «маътуф» ва «маътуфун алайҳ»нинг ўртасида келиб уларни бир-бираидан ажратиши жоиз эмас».³

۲. وقال أبو حيان: ومن ذهب إلى أن قراءة النصب في «وَأَرْجُلُكُمْ» عطف على قوله «فَاغْسِلُوا وَجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ» وفصل بينهما بهذه الجملة التي هي قوله «وَامْسَحُوا بِرُؤُسِكُمْ» فهو بعيد، لأن فيه الفصل بين المتعاطفين بجملة إنشائية.

Абу Ҳайён айтади: «Кимда-ким «وَأَرْجُلُكُمْ» сўзининг Насб ҳолда, яъни Фатҳа ҳолда ўқилишини «فَاغْسِلُوا وَجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ» яъни «юзларингни ва

3. Ибн Ҳазм, «Al-Muҳallo шарҳул Мужалло», 2-жилд, 56-бет.

қўлларингизни ювинглар» гапига атф қилинган ва натижада «وَامْسَحُوا وَأَرْجُلَكُمْ» «бошларингизга масҳ тортинглар» деган жумла «маътуф» ва «маътуфун алаих»нинг ўртасида келиб, уларни бир-биридан ажратган, деб билса, бу нарса эҳтимолдан узоқдир. Зоро, бундай ҳолатда бир-бирига атф қилинган икки нарсанинг ўртаси иниший жумла билан ажратилган».⁴

٣. وقال الشيخ الحلبـي في تفسير الآية: نصب «وَأَرْجُلَكُمْ» على المحل وحرها على اللـفـظ، ولا يجوز أن يكون النصب للعطف على وجوهـكمـ، لامتناع العطف على وجـوهـكمـ للفصل بين المعطـوفـ والمـعـطـوفـ عليهـ بجملـةـ أجـنبـيةـ هي «وَامْسَحُوا بِرُؤْسِكُمْ» والأصلـ أنـ لا يفصلـ بينـهـماـ بمفردـ فضـلاـ عنـ الجـملـةـ، ولـمـ يـسـمـعـ فيـ الفـصـيـحـ نحوـ «ضرـبـ زـيـدـاـ وـمـرـتـ بـيـكـ وـعـمـراـ» بـعـطـفـ عـمـراـ علىـ زـيـدـ .

3. Шайх Ҳалабий ояти кариманинг тафсирида айтади: «Оятдаги «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзининг Насб ҳолда, яъни Фатҳа билан ўқилиши «رُءُوسِكُمْ» сўзининг маҳаллига атф бўлгани учун ва ушбу сўзининг Жар, яъни Касра билан ўқилиши эса «رُءُوسِكُمْ» сўзининг лафзига атф бўлгани учундир. Ва «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзининг Насб ҳолда ўқилиши «وْجُوهـكمـ» «وَأَرْجُلَكُمْ» «وَامْسَحُوا بِرُؤْسِكُمْ»، яъни «бошларингизга масҳ тортинглар» жумласи «маътуф» билан «маътуфун алаих»нинг ўртасини ажратгани учун «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзининг «وْجُوهـكمـ» сўзига атф қилиниши номумкиндир. Араб тили қоидасига кўра, «маътуф» билан «маътуфун алаих»нинг ўртасини бир сўз билан ажратиб бўлмайди, бир жумла билан ажратиш ҳар түгул ва Араб тилининг фасоҳатли каломида:

«ضَرَبَتْ زَيْدًا وَمَرَّتْ بِيَكْرٍ وَعَمْرًا»

«Зайдни урдим ва Бакрнинг ёнидан ўтдим ва Умарни ҳам, яъни урдим», деб Умарни Зайдга атф қилиши билан айтилгани эшитилмаган».⁵

4. Абу Ҳайён Андулусий, «Тафсирун-Наҳрил Мод минал Баҳрил Мұхийт», Байрут-Ливан, Муассасатул кутубис-сикофийяҳ ва дорул жинон, 1407-ҳижрий йил, 1-жилд, 558-бет.

5. Шайх Ҳалабий, «Ғунятул-Мутамалий фий шарҳи Мунятил Мусоллий» ёки «Ал-Ҳалабий ал-Кабир» номи билан танилган 16-саҳифа.

٤. وقال الشيخ السندي: وحمل قراءة النصب بالعطف على المحل أقرب لاطراد العطف على المحل، وأيضاً فيه خلوص عن الفصل بالأجنبي بين المعطوف والمعطوف عليه، فصار ظاهر القرآن هو المصحف.

4. Шайх Синдий айтади: «Оятдаги «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Насб ҳолда, яъни Фатҳа билан ўқиши «رُءُوسُكُمْ» сўзининг маҳаллига атф қилингани сабабли бўлиб, бу ҳолат эса сўз маҳаллига атф қилиши узлуксиз қўлланишига яқинроқдир. Ва шунингдек, бу ҳолатда «маътуф» ва «маътуфун алайҳ»нинг ўртасини бир ёт-бегона билан ажратишдан холислик бор. Демак, Куръоннинг зоҳирий маъноси оёқларга масҳ тортишдан иборат».⁶

Яна бошқа Аҳли суннат уламолари ҳам худди шу тарзда билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра, «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Насб ҳолда, яъни Фатҳа билан ўқиб таҳорат олганда оёқларни ювиш кераклигини тушиниш Араб тилининг грамматик қоидасини бузишга тўғри келади, яъни маътуф [боғланувчи] ва маътуфун алайҳи [унга боғланувчи] ўртасини бир ажнабий гап билан ажратиш керак бўлади. Ва бу эса Куръоннинг фасоҳат ва балоғатига тўғри келмайди. Фасоҳат ва балоғатнинг мукаммал намунаси бўлган Қуръони Карим у ёқда турсин, оддий одамлар ҳам бу тарзда сўзламайдилар.

«Ал-Жарру бил-жаваар» қоидаси ва оёқларни ювиш масаласи

Таҳоратда оёқларни ювиш керак дейдиганлар «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Насб ҳолда, яъни Фатҳа билан ўқиши «وَجُوهَكُمْ» сўзига атф қилишга, яъни боғлашга уриниб, ўзларича таҳоратда оёқларни ювиш кераклигини исботламоқчи бўлишади, лекин юритган илмий сухбатимиздан «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини «وَجُوهَكُمْ» сўзига атф қилишини оқлаб кўрсатиш нақадар асоссиз ва заиф эканлиги ҳамда Араб тилининг грамматика қоидаларига тўғри келмаслиги ошкора маълум бўлди. Бироқ улар «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Жар ҳолда, яъни Касра билан ўқиши қироатига келганда эса ушбу ояти карима таҳорат олганда оёқларни ювиш эмас, балки факат оёқларга масҳ тортиш кераклигига далолат қилишини кўриб, таҳоратда оёқларни ювишни оқлаш учун боши берк кўчага кириб қолган кишидек ҳайратда қолищди. Чунки, «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Жар ҳолда Касра билан ўқиганда ушбу «سُزِي «بِرْوُسَكُمْ» сўзига атф қилингани, яъни боғлангани ойдин бир масала бўлиб, таҳорат олганда оёқларнинг ҳукми ҳам айнан бошнинг ҳукми каби эканлиги

6. Шайх Синдий, «Шарҳу Сунани Ибн Можа», 1-жилд, 88-саҳифа.

шубҳасиздир, яъни таҳорат олганда бошга масҳ тортиш керак бўлганидек, оёқларга ҳам масҳ тортиш зарур. Шундай бир пайтда таҳоратда оёқларни ювиш керак дейдиганлар «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини Жар ҳолда Касра билан ўқиганда, қандай йўл тутишни ва нима дейишни билмай, «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзининг касрали бўлиб келиши фақатгина «Ал-Жарру бил-жаваар» қоидасига кўрадир, яъни ушбу «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзи касрали сўз бўлмиш «بِرْفُسَكُمْ» билан қўшни ва ёнма-ён бўлиб келгани учунгина Касрани қабул қилгандир, дейишиди.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, «Ал-Жарру бил-жаваар» қоидаси Араб тилининг фасоҳатли каломида ё келгани йўқ ёки келган тақдирда ҳам унинг ўзига хос шартлари бор бўлиб, таҳорат оятида ушбу шартлар мавжуд эмас. Мазкур шартлардан бири ёнма-ён келган сўзлар ўртасида وَ فَذْمٌ каби отифа, яъни боғловчи калималар келмаслиги керак. Аммо ушбу оятда وَ «Ba» боғловчиси келган бўлиб, «Ал-Жарру бил-жаваар» қоидаси жорий этилишининг олдини олади.

Демак, юқорида юритган илмий баҳсимииздан келиб чиқиб шу хulosага келамизки, таҳорат оятидаги «وَأَرْجُلَكُمْ» сўзини хоҳ Насб ҳолда Фатҳа билан ўқисак ёки Жар ҳолда Касра билан ўқисак-да, ҳар иккала ҳолатда ҳам ушбу ояти карима маъно-мазмунни англатади ва у ҳам бўлса, таҳорат олганда бошга масҳ тортганимиздек оёқларга ҳам масҳ тортишимиз шарт ва вожибdir. Демак, Қуръони Карим бизга таҳорат олганда оёқларга масҳ тортишни буюрган, ювишни эмас.

Таҳоратда оёқларни ювиш фарз деганларнинг бошқа далиллари

Аммо Қуръони Каримнинг таҳорат олиш масаласига доир кўрсатмасини ўзларининг мазҳабига уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда кўрмаган тоифадаги мусулмонлар инсонни ҳайратга соладиган тушунтиришларни кўтариб чиқишиди. Биз бу ерда уларни айтиб ўтамиш:

1. Таҳорат ҳақидаги ояти карима пайғамбаримиз Мухаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам)нинг суннатлари ва у зотдан ривоят қилинган ҳадислар орқали насх бўлган, яъни бекор қилинган эмиш!

Ибн Ҳазм ўзининг «Ал-Иҳқаам фий үсулил Аҳқаам» китобида таҳорат оятининг оёқларга масҳ тортиш кераклигига далолат қилганини ҳамда

«وَأَرْجُلَكُمْ» «وُجُوهَكُمْ» «юзларингиз» сўзи «оёқларингиз» сўзига атф қилинган, яъни боғланган ва натижада тахорат олганда оёқларингизни ювинглар, деган гапнинг ботил ва асоссиз эканлигини аниқ тушиниб етгач айтади:

لا يجوز البتة أن يحال بين المعطوف والمعطوف عليه بخبر غير الخبر عن المعطوف، لأنّه إشكال وتلبيس وإضلال لا بيان. لا تقول: ضربت محمدًا وزيدًا ومررت بخالدٍ وعمرًا، وأنت تريد أذنك ضربت عمرًا أصلًا، فلما جاءت السنة بغسل الرجلين صح أنّ المسح منسوخ عنهم.

«Албатта, маътуф [богланувчи] ва маътуфун алаиҳи [унга богланувчи] ўртасини маътуфга тегишли бўлмаган бошқа бир гап билан ажратиш мутлақо жоиз эмас. Зероки, бу иш баён этиши эмас, балки чалкашилик, нотўгри талқин қилиш ва адаштиришидир. Сиз: «Мұхаммад ва Зайдни урдим ва Холиднинг ёнидан ўтдим ҳамда Умарни ҳам урдим», деб Умарни ҳам урганингизни назарда тутганингизни айта олмайсиз. Лекин Пайгамбарнинг суннатлари оёқларни ювиши учун келгани сабаб, оёқларга масҳ тортиси насх, яъни бекор қилинган».⁷

Ибн Ҳазмнинг билдирган ушбу назарига нисбатан шуни айтиш лозимки,

Биринчидан; барча муфассирлар Моида сурасининг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)га нозил бўлган энг охирги сура эканлиги ва ушбу суранинг ҳеч бир ояти насх, яъни бекор қилинмагани ҳакида ижмо қилганлар, яъни ҳаммалари яқдиллик билан ушбу мавзууни қабул қилганлар. Бу ҳақда саҳобалардан ривоятлар етишган бўлиб, бу ерда уларнинг баъзиларини келтирамиз:

أخرج أحمد، وأبو عبيد في فضائله، والنحاس في ناسخه، والنسيائي وابن المنذر، والحاكم وابن مردويه، والبيهقي في سننه عن جبير بن نفير.

قال: حججت فدخلت على عائشة فقالت لي: يا جبير تقرأ المائدة، قلت: نعم، فقالت: أما إنّها آخر سورة نزلت، فما وجدتم فيها من حلال فاستحلّوه، وما وجدتم فيها من حرام فحرّموه.

وأخرج أبو عبيد، عن ضمرة بن حبيب، وعطاء بن قيس قالا: قال رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم: «المائدة من آخر القرآن تنزيلا، فأحلوا حلالها، وحرموا حرامها».

7. Ибн Ҳазм Андулусий (вафот этган санаси: 456-ҳижрий йил), «Ал-Иҳқаам фий усулил Аҳқаам», Байрут-Ливан, Дорул Жайл нашриёти, 1-жилд, 510-бет.

وأخرج الفريابي وأبو عبيد، وعبد بن حميد، وابن المنذر، وأبو الشيخ، عن أبي ميسرة، قال: في المائدة ثمانى عشرة فريضة ليس في سورة من القرآن غيرها وليس فيها منسوخ، وعد منها ﴿إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَمَاغِسِلُوا﴾.

وأخرج أبو داود والنحاس كلاهما في الناسخ عن أبي ميسرة عمرو بن شرحبيل قال: لم ينسخ من المائدة شيء.

وأخرج عبد بن حميد قال: قلت للحسن: نسخ من المائدة؟ قال: لا.

«Аҳмад ва Абу Убайд ўзининг Фазоил китобида ва Наҳҳос ўзининг Носих китобида ва Насоий, Ибн Мунзир, Ҳоким, Ибн Мардавайҳ ва Байҳақий ўзининг «Сунан» китобида Жубайр ибн Нафирдан ривоят қилган.

Жубайр ибн Нафир айтади: «Мен ҳаж қилдим, сўнгра Оиша онамиз ёнига кирдим. Шунда у ҳазрат менга: «Эй Жубайр, «Моуда» сурасини ўқийсанми?», деб сўрадилар. Мен: «Ха, ўқийман», дедим. У ҳазрат: «Огоҳ бўлингизки, Моуда энг охирги нозил бўлган сурасидир. Шундай экан, унда нимани ҳалол деб топсангиз, уни ҳалол деб билинг ва унда нимани ҳаром деб топсангиз, уни ҳаром деб билинг!», дедилар».

Ва Абу Убайд, Замра ибн Ҳабиб ва Атийя ибн Қайсдан ривоят қиласи айтади: Расулуллоҳ (соллаху алайхи ва олихи вассаллах) дедилар: «Моуда Куръоннинг энг сўнгги нозил бўлган сурасидир. Шундай экан, унинг ҳалолини ҳалол деб қабул қилинг ва ҳаромини ҳам ҳаром деб қабул қилинг».

Фарёбий, Абу Убайд, Абд ибн Ҳамид, Ибн Мунзир ва Абу аш-Шайх Абу Майсарадан ривоят қиласи айтади: «Моуда сурасида ўн саккизта фарз бор бўлиб, улар Куръоннинг ундан бошқа сураларда мавжуд эмас ва Моуда сурасида насх бўлган [бекор қилинган] оят ҳам йўқ.» Ва «қачон намозга турсаларингиз, юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсаклари ила ювингиз» оятини ушибу фарзлардан бири деб ҳисоблади.

Абу Довуд ва Наҳҳос, иккаласи ҳам Ан-Носих асарида Абу Майсара Амр ибн Шараҳ билдан ривоят қилишиди. Абу Майсара деди: «Моуда сурасидан ҳеч бир нарса насх бўлмаган [бекор қилинмаган]».

Абд ибн Ҳамид ривоят қилиб деди: «Мен Ҳасанга: «Моида сурасидан бирор нарса насх бўлганми?», деб сўрадим. У эса йўқ, деди».⁸

Иккинчидан; Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони Карим оятларини фақат Сарвари оламнинг қатъий суннатларигина насх қила олади. Чунки, Қуръони Карим оятлари қатъий далил бўлиб, фақат унинг ўзи каби қатъий далилгина уни насх қила олиши мумкин.

Аммо вузу олиш масаласига келсак, Пайғамбарнинг оёқларни ювишга далолат қилувчи суннатлари ул ҳазратнинг оёқларга масҳ тортишга далолат қилувчи суннатларига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бир пайтда қандай қилиб бир-бирига зид бўлган икки нарсадан бирини ҳеч бир сабабсиз Қуръони Каримдан устун қўйишимиз мумкин?

Суҳбатимиз давомида Расулуллоҳ (*сөллааллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва у зотнинг сахобалари таҳорат олганда ювиш ўрнига оёқларга масҳ тортганликларига далолат қилувчи кўплаб ҳадисларни келтирамиз.

Энди ўзингиз айтинг-чи, қандай қилиб бундай вазиятдаги ҳадислар, яъни уларга зид ва қарама-қарши бўлган саҳиҳ ҳадислар бўла туриб, Қуръон оятини насх ва бекор қилиши мумкин?!

Ахир бир-бирига зид бўлган ҳадислар ҳақида қандай йўл тутиш кераклиги айтилган-ку! Қачонки бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлган ҳадислар бирор масала хусусида ворид бўлган бўлса, уларни Қуръон кўрсатмалари билан таққослаш лозим. Шунда Қуръонга уйғун ва мувофиқ бўлган ҳадислар қабул қилинади, бироқ Қуръонга мухолиф ва зид бўлган ҳадислар эса рад этилади.

Аҳли суннатнинг йирик тафсирчи олими Фахриддин Ар-Розий бу ҳақда шундай ривоят қиласди:

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*сөллааллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) шундай марҳамат қилганлар:

قال النبي صلى الله عليه وآله وسلم: «إِذَا رُوِيَ لَكُمْ حَدِيثٌ فَأَعْرَضُوهُ عَلَى كِتَابِ اللَّهِ، فَإِنْ وَفَقَهُ فَاقْبِلُوهُ، وَإِلَّا فَرْدَّوْهُ».

«Агар сизларга бирор ҳадис ривоят қилинса, уни Аллоҳнинг китобига кўрсатинг, [яъни Қуръоннинг кўрсатмалари билан таққосланг]. Агар

8. Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур» тафсири, 3-жилд, 3 ва 4-бетлар.

ўша ҳадис Аллоҳнинг китобига мувофиқ бўлса, уни қабул қилинг ва акс ҳолда эса уни рад этинг».⁹

Учинчидан; Ибн Ҳазм таҳорат ҳақидаги оятни Пайғамбаримизнинг таҳоратда оёқларни ювиш хусусидаги суннатлари насх қилинганига далил қилиб олиши керак эди. Ва агарда Пайғамбаримиз таҳоратда оёқларни маълум вақт оралиғида ювганликлари исботланса-да, бироқ ушбу оят ул ҳазратнинг суннатларини насх, яъни бекор қилувчирир ва суннат эса Қуръон оятини насх қилувчи эмасдир!!

2. Таҳоратда оёқларни ювганда, уларга масҳ тортиш ҳам амалга ошади.

Али суннат уламоларидан бўлган Жассос ўзининг «Аҳкомул Қуръон» номли китобида таҳорат ояти мужмал, яъни ноаниқ ва муҳмал эканлигини айтиб, эҳтиётга амал қилиш кераклигини кўтариб чиққан. Унинг фикрича, эҳтиётга амал қилмоқлик оёқларни ювиш бўлиб, бу амал оёқларга масҳ тортишни ҳам ўз ичига олади. Лекин бунинг акси ўлароқ, оёқларга масҳ тортиш бундай эмасдир. Чунки, оёқларга масҳ тортиш уларни ювишни ўз ичига қамраб олмайди. Кейин Жассос ҳамма мусулмонлар таҳоратда оёқлар ювилса, фарз бажарилган бўлади, деб ижмо қилишган деган даъвони илгари суриш билан оятдаги ноаниқликни бартараф этмоқчи бўлган.¹⁰

Жассоснинг билдирган ушбу фикр-мулоҳазаси тўғри бўлмай, бир неча жиҳатдан муаммога дуч келади:

Биринчидан; Таҳорат оятининг маъно-мазмуни аниқ ва ошкор ҳолда бўла туриб, қандайига Жассос уни мужмал деган. Ҳолбуки, таҳорат ояти барча намозхонларга намоз ўқимоқчи бўлишганида қандай таҳорат олишлари кераклигини баён қилмоқда. Бундай оятнинг маъно-мазмуни очиқ ва равshan бўлиб, фақат бир маънонигина англатмоғи зарур. Лекин оятнинг зоҳирий маъносидан қочиш Жассосни ушбу ояти кариманинг маъносини мужмал деб айтишга унданган. Ваҳоланки, юқорида айтиб ўтилганидек, таҳорат оятининг маъноси оёқларни ювиш эмас, балки масҳ тортиш фарз эканлигига ошкора далолат қиласи.

Иккинчидан; Ҳаммамизга маълумки, «ювии» ва «масҳ тортиши» қарама-қарши бўлган икки хил тушунчани англатиб, ювиш ҳеч қачон масҳ тортишни ўз ичига олмайди. Зоро, ювишдан аъзога сув қуиши назарда

9. Фахри Розий, «Ат-тағғисирул Кабийр ав Мағаатиҳұл гайб», 3-жилд, 252-бет, Миср чопи, 1308-хижрий йил.

10. Жассос, «Аҳкомул Қуръон», 2-жилд, 346-бет.

тутилади, лекин масҳ тортишдан эса қўлда қолган намлик билан аъзони силамоқлик назарда тутилади. Демак, ювиш ва масҳ тортиш бир-биридан фарқланадиган икки хил амал экани маълум бўлади. Натижада ювиш масҳ тортишни ўз ичига олмайди ва шунингдек масҳ тортиш ҳам ювишни ўз ичига қамраб ололмайди.

Учинчидан; Ҳамма мусулмонларнинг ижмоси билан агар оёқлар ювилса, фарз бажарилган бўлади деган фикр-мулоҳаза билан оятдаги ноаниқликни бартараф этиш даъвосини қилмоқлик далил келтирмай туриб, натижа олиш демакдир. Зеро, қандай қилиб ҳамма мусулмонлар вузу олганда оёқларни ювишга ижмо қилгандар деб даъво қилиш мумкин, ваҳоланки саҳобалар ва тобеинлар орасида оёқларга масҳ тортишни тўғри деб билганлар оёқларни ювишни қабул қилгандардан оз бўлмаган?! Сухбатимиз давомида оёқларга масҳ тортишни тўғри деб билган саҳоба ва тобеинларнинг исмларини айтиб ўтамиш. Бунга қўшимча, мусулмонларнинг тўртдан бир қисми бўлган Имомия шиалар ҳам таҳоратда оёқларни ювишни ботил амал деб билиб, оёқларга масҳ тортадилар. Шундай экан, таҳоратда ҳамманинг оёқларни ювишга қилган ижмоси қаердан пайдо бўлди экан?!

3. Таҳорат оятининг маъноси оёқларни ювганда кўп сув ишлатиб исроф қилманг дегани, оёқларга масҳ тортинг дегани эмас.

Аҳли суннатнинг буюк тафсирчи олими Жоруллоҳ Замахшарийнинг фикрича, ҳатто агар «أَرْجُلُكُمْ» «оёқларингиз» сўзини Жар, яъни касрали ҳолда ўқиб, «بِرُوْسِكُمْ» «бошлиларингиз» сўзига атф қилган, яъни боғлаган тақдирда ҳам, ояти карима таҳоратда оёқларга масҳ тортиш кераклигини аниқ ва равshan ҳолда англатса-да, янада оёқларга масҳ тортиш назарда тутилмаган, балки оёқларга масҳ тортишдан кўзланган маъноси, оёқларингизни ювганда кўп сув ишлатиб, исроф қилманг демакдир!

Жоруллоҳ Замахшарийнинг ўзи бу борада айтади:

فإن قلت: فما تصنع بقراءة الجر ودخولها في حكم المسمح؟

قلت: الأرجل من بين الأعضاء الثلاثة المغسلة تغسل بصب الماء عليها، فكان مظهراً للإسراف المذموم المنهي عنه، فعطفت على الثالث الممسوح لا تُمسح ولكن لينبه على وجوب الاقتصاد في صب الماء عليها وقيل إلى الكعبين.

«Агар сиз: «أَرْجُلُكُمْ» «оёқларингиз» сўзини Жар ҳолда, яъни касра билан ўқилган қироатга кўра, оёқлар масҳ тортиши ҳукмига киради, деган қарааш билан нима қиласиз?», десангиз, мен бу сўзга жавобан: Оёқлар ювиладиган уч аъзолар ичida уларнинг устига сув қўйиш билан ювилади ва шунинг

учун оёқларни ювиш койилган ва қайтарилигана истрофгарчиликка йўл қўйиш гумонида бўлади. Шу боис, оёқлар масҳ тортилган учинчи аъзога, яъни бошга боғланади, лекин оёқларга масҳ тортими учун эмас, балки оёқлар устига сув қўйишда тежамкорлик зарурлиги ҳақида огоҳлантириши учун бошга атф қилинган, яъни боғланган ва оёқларни ювиш тўтиқларгача дейилган».¹¹

Биринчидан; Қўлларни ювишда ҳам худди оёқларни ювиш каби истрофгарчиликка йўл қўйиш мумкин! Шундай экан, нимага қўлларга сув қўйиб ювишда ҳам сувни тежаш кераклиги эслатилмаган?!

Иккинчидан; Агарда ўз мазҳабида келган кўрсатмаларни оқлаб кўрсатиш мақсадида бундай ижтиход қилиш ва ўз раъй-фикри асосида Қуръон оятларини ўзи хоҳлаган томонга тафсир қилишга йўл очилса, амал қилиш учун Қуръони Карим оятларининг зоҳирий маъно-мазмунидан ҳеч бир нарса қолмайди. Агар «оёқларга масҳ тортими»ни «оёқларни ювишда истрофгарчиликка йўл қўймаслик» маъносида талқин қилиш учун бизга рухсат этилса, унда ҳамма Қуръон оятларининг зоҳирий маъно-мазмунларини ўзимиз хоҳлаган томонга турлича тафсир қилиб ўзгартириб юборишими мумкин. Ва натижада Ислом дини таълимотлари катта ўзгаришлар ва бузилишиларга дучор бўлади.

Замахшарий билдирган ушбу фикр-мулоҳазаларнинг барчаси ўзи эътиқод қилган ва унинг кўрсатмалари асосида тарбия топган мазҳабини ҳимоя қилиш ва оқлаш учун илгари сургандир. Агар ўз мазҳабини ҳимоя қилиш ва оқлаш бўлмаганда эди, бундай гаплар Замахшарийнинг фикрига келмаган бўларди.

Нассга (оят ва ҳадисга) қарши равишида ижтиҳод қилиш ва ўз раъй-фикри билан Қуръон оятларини тафсирлаш

Кўпгина далиллар шуни кўрсатадики, нассга қарши, яъни Қуръон оятлари ва ҳадисларга қарши ижтиҳод қилиш – хукм чиқариш ва фатво бериш бизнинг замонимизда хунук ва номақбул иш саналганидек, Ислом динининг ilk даврларида эса бундай иш хунук ва номақбул деб кўрилмаган. Бошқа таъбир билан айтганда, биз бугунги кунда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг сўзлари ҳамда Қуръони Карим оятлари қаршисида мутлақо бўйин эгиб

11. Жоруллоҳ Замахшарий, «Тафсирул Кашиоф», 1-жилд, 326-бет, таҳорат оятнинг тафсирида.

таслим бўлганимиз каби Ислом динининг илк даврида бу даражада бўйин эгиб таслим бўлиш мавжуд бўлмаган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсақ, Умар ўзининг қуйидаги машхур сўзларини айтганида:

«مَعْتَنَانِ كَانَتَا مَحْلَّ مُتَنَّا فِي زَمْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا أَحْرِّ مِنْهُمَا وَأَعَاقِبُ عَلَيْهِمَا مَتْعَةُ النِّسَاءِ وَمَتْعَةُ الْحَجَّ»

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) замонларида икки мутъа ҳалол эди ва мен у иккисини ҳаром қиласман ҳамда бу икки ишини бажарганни жазолайман. Ушбу икки мутъа; Аёлларнинг мутъаси ва ҳаж мутъаси [таматтуъ умра билан ҳаж ўртасидаги оралиқ вақтда жинсий алоқадан баҳраманд бўлиши]».¹²

Саҳобалардан бирор киши Умарнинг ушбу сўзларига қаршилик кўрсатиб, унинг бу иши Қуръон оятига ҳамда Пайғамбаримизнинг ҳадисларига зид ва қарама-қарши тарзда ижтиҳод қилиш – ҳукм чиқариш ва фатво бериш эканини ва бу иш жоиз эмаслигини айтиб эътиroz билдиргани тарихда ёзиб қолдирилмаган. Ҳолбуки, агар бизнинг замонамизда Исломнинг энг буюк уламо ва фуқаҳолари: «Пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) замонларида фалон иш жоиз ва ҳалол эди, лекин мен уни ҳаром қилиб, ундан қайтараман», деган гапни айтишса, бу гапни эшитган ҳар бир мусулмон киши ундан ажабланиб, ушбу сўзни номақбул ва қадрсиз деб ҳисоблайди ҳамда ҳеч кимнинг Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишга ва ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишга ҳаққи йўқ, деб айтади. Зоро, шариати исломиянинг аҳком ва қонунларини бекор қилишнинг ёки нассга қарши, яъни Қуръон ояtlари ва ҳадисларга қарши ижтиҳод қилиш – ҳукм чиқариш ва фатво беришнинг маъноси йўқ ва ҳеч ким бу ишга ҳақли эмас.

Лекин ислом динининг биринчи асрида бундай бўлмаган. Шунинг учун ҳам баъзи фақиҳлар Аллоҳнинг ҳукмларига қаршилик билдиришга ботина олиш

12. Ушбу сўзнинг Аҳли суннат наздидаги манбалари:

- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 3-жилд, 325-бет.
- Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 7-жилд, 206-бет.
- Саarahсий, «Ал-Мабсут», 4-жилд, 27-бет.
- Ибн Қуддома, «Ал-Мугний», 7-жилд, 571-бет.
- Ибн Ҳазм, «Ал-Муҳалло шарҳул Мужалло», 7-жилд, 107-бет.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 16-жилд, 521-бет.
- Фахриддин ар-Розий, «Ат-тағсирул Кабийр ав Мафаатийҳул гайб», 10-жилд, 52-бет.

холатлари Ислом тарихида айтилган ва эҳтимол, таҳоратда оёқларга масҳ тортишни инкор этиб, уни ювишга айлантириш масаласи ҳам шу тарзда содир бўлгандир. Балки баъзилар оёқлар кўпинча ифлосланиш ҳолатида бўлгани учун уларни ювган маъқул, уларга масҳ тортишнинг нима фойдаси бор деб ўйлашгандир. Айниқса, ўша пайтларда бир гуруҳ одамлар буткул оёқланг ҳолда юрар ва оёқ кийим киймасдилар. Шунинг учун ҳам меҳмонга кўрсатиладиган одоб-хурматлардан бири шу эдики, меҳмон уйга келгач, сув олиб келиб, унинг оёқларини ювар эдилар!

Ушбу гапнинг далили “Тафсир ал-Манор” китобининг муаллифи таҳорат оятининг изоҳида оёқларни ювишга ишонадиганларнинг сўзларини оқлаб кўрсатиш учун айтган сўзларидир. У бу борада айтади:

لا يعقل لإيجاب مسح ظاهر القدم باليد المبللة بالماء حكمة، بل هو خلاف حكمة الموضوع، لأن طروء الرطوبة القليلة على العضو الذي عليه غبار أو وسخ يزيده وساخة، وينال اليد الماسحة حظ من هذه الوساخة.

«Таҳорат суви билан ҳўл бўлган қўл ила оёқ устига масҳ тортишни фарз қилиши учун ҳеч бир маъно ва ҳикмат тасаввур этиб бўлмайди. Аксинча, ушибу амал таҳорат олиш ҳикматига зиддир. Зероки устига чанг-губор қўнгган ёки кир бўлган аъзога қўлдаги озгина нам билан масҳ тортиш уни янада кўпроқ кирлантиради ва масҳ тортаётган қўл ҳам бу кирга тегиб ифлосланади».¹³

Ва шунингдек, Ахли суннатнинг машҳур фақиҳи Ибн Қудома (620-ҳижрий йилда вафот этган) баъзилардан шундай ривоят қиласи: «Оёқлар ифлосланиш ҳолатида бўлади, лекин бош ундаи эмас. Шунинг учун муносиб иш оёқларни ювиши ва бошга эса масҳ тортишидир».¹⁴

Шу тариқа улар ўзлари эътиқод қилган мазҳабларини ҳимоя қилиш учун ўз раъи-ижтиҳодлари ва истеҳсонларини Қуръон оятининг зоҳирий маъносидан афзал ва устун кўриб ва оёқларга масҳ тортишни тарк этиб, таҳорат оятини ножӯя ва бемаъни тарзда изоҳлаганлар.

Лекин бу тоифа одамлар таҳорат тозалик ва ибодатдан таркиб топган бир амал эканлигини, баъзи уламоларнинг бир бармоқ билан бошга масҳ тортиш жоизлиги ҳақида фатво берганлиги поклик ва тозаликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ва оёқларга масҳ тортиш ҳам худди шундай эканлигини унуглан кўринадилар. Имом Шофеий бошга масҳ тортиш ҳақида айтади:

13. Муҳаммад Рашид Ризо, «Тафсир ал-Манор», 6-жилд, 234-бет.

14. Ибн Қудома, «Ал-Мугний», 1-жилд, 117-бет.

إذا مسح الرجل بأي رأسه شاء إن كان لا شعر عليه وبأي شعر رأسه شاء يأصبع واحدة أو بعض أصبع أو بطن كفه أو أمر من يمسح به أجزاء ذلك.

«Агар киши бошининг ҳоҳлаган жойига масҳ тортса, агарчи бошида сочи бўлмаса-да ва бошидаги сочининг ўзи ҳоҳлаган ҳар жойига масҳ тортса, ҳоҳ бир бармоқ билан масҳ тортса ёки айрим бармоқлари билан ёки қўлининг кафти билан масҳ тортса ёки бошқа бир кишига бошига масҳ тортини амр қилса, ушбу масҳ тортининг ҳар бири кифоядир».¹⁵

Дарҳақиқат, бош ва оёқларга масҳ тортиш таҳорат олаётган киши бошининг фарқидан то оёғига қадар Аллоҳ таолонинг амрига таслим ва муте эканлигига ишорадир. Акс ҳолда на бошга масҳ тортиш ва на оёққа масҳ тортиш тозаликка олиб келмайди.

Ҳар ҳолда биз Аллоҳнинг амрига бўйсунишимиз керак ва ўзимизнинг заиф ва ожиз ақлимиз билан Аллоҳнинг кўрсатмаларини ўзгартиришга ҳаққимиз йўқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) га нозил бўлган Куръоннинг охирги сурасида таҳорат олганда қўл ва юзимизни ювишга ҳамда бош ва оёқларимизга масҳ тортишга кўрсатма берилган бир пайт, биз ўзимизнинг инсоний ожиз ақл-идрокимиз фалсафаси билан Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиқмаслигимиз ҳамда ушбу мухолифат ва қаршиликларни оқлаш учун Аллоҳнинг каломини ноўрин ва асоссиз изоҳлаш ва тафсир қилишга қўл урмаслигимиз керак.

Ҳа, ислом оламида ўз раъй-фикри билан тафсир қилиш ҳамда нассга қарши, яъни Куръон оятлари ва ҳадисларга қарши ижтиҳод қилиш – ҳукм чиқариш ва фатво бериш икки катта иллат бўлиб, таассуфки, айрим ҳолларда Ислом фиқхининг юзини бузуб кўрсатган.

Саҳих ҳадисларда оёққа масҳ тортиш масаласи

Юқоридаги илмий-таҳлилий сұхбатимиздан маълум бўлдики, таҳорат ояти таҳорат олаётганда оёқларга масҳ тортиш фарз эканлигини ошкора англатади ҳамда ушбу ояти карима пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) нинг умрлари охирида нозил бўлганлиги ва шу боис, насх, яъни бекор қилинмаганлиги учун таҳоратда оёқларга масҳ тортиш фарз эканлигини ифодалашда ушбу таҳорат оятининг ўзи кифоядир.

15. Имом Шофеий, «Ал-Умму» китоби, 1-жилд, 41-бет.

Аммо шунга қарамай, биз таҳорат масаласини янада чуқурроқ ўрганиш ва мустаҳкамлаб олиш учун Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)* нинг қандай вузу олганликлари ҳақида ривоят қилинганд ҳадисларни кўздан кечирамиз. Бироқ дастлаб шуни эслатиб ўтиш лозимки, Аҳли суннатнинг ҳадисий манбаларида вузу олиш масаласида келтирилган ҳадислар бирбиридан буткул фарқ қиласи. Ўнлаб ҳадисларда таҳоратда оёққа масҳ тортиш айтилган, яъни пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)* вузу олганда бошга масҳ тортгандан кейин оёққа масҳ тортганликлари айтилган бўлса, бошқа ҳадисларда ул зотга оёқларни ювиш нисбат берилган ва учинчи тоифа ҳадисларда эса Пайғамбар (с.а.в) чориққа [оёқ кийимга] масҳ тортганликлари айтилган!

Имомия шиаларнинг фуқаҳолари иттифоқи назарига кўра, таҳоратда оёқларга масҳ тортишдан бошқа ҳеч нарса қабул қилинмайди ва Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)* нинг Аҳли Байтларидан ворид бўлган жуда кўп ҳадисларда ҳам таҳоратда фақат оёққа масҳ тортиш зарурлиги очик-ойдин айтилган.

Таҳоратда фақат оёқларга масҳ тортиш фарзлигини баён этган биринчи тоифа ҳадислар Аҳли суннатнинг қуйидаги машҳур китобларида ривоят қилинган:

- 1. Саҳиҳул Бухорий**
- 2. Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал**
- 3. Сунани Ибн Можах**
- 4. Сунани Нисоий: Аҳмад ибн Шуайб Ан-Нисоий**
- 5. Ал-Мустадраку алас-соҳиҳайн: Ҳоким Нисобурий**
- 6. Тафсири Табарий**
- 7. Аддурул мансур: Жалолиддин Суютий**
8. Канзул-уммол: Ал-Муттақил Ҳиндий ва булардан ташқари Аҳли суннат наздида мўътабар бўлган манбаларда мазкур ҳадислар ривоят қилинган.

Ушбу мазмундаги ҳадисларни ривоят қилган кишилар қўйидагилардан иборат:

- 1. Мўминлар амири ҳазрат Али** *(алаиҳис салом)*
- 2. Абдуллоҳ ибн Аббос**

3. Анас ибн Молик (Пайғамбар (с.а.в)нинг махсус хизматкорлари)

4. Усмон ибн Аффон

5. Буср ибн Саъид

6. Руфоға ибн Рофиъ

7. Абу Зибён ва бошқалар ҳадиснинг машҳур ровийлари дидирлар.

Биз бу ерда ушбу мазмундаги ҳадислардан намуна сифатида бир неча ҳадисларни келтириш билан кифояланамиз. Ушбу ўринда Аҳли суннатнинг таниқли буюк тафсирчи олим Олусий каби кишилар томонидан таҳоратда оёққа масҳ тортиш ҳақида фақат битта ҳадис бор бўлиб, шиалар уни ўзларига далил ва исбот қилиб олишган, деб айтилган гап нақадар ғалати!!¹⁶

1. Мўминлар амири ҳазрат Али (алаиҳис салом) дедилар:

1. «عَنْ عَلَيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) قَالَ: كُنْتُ أَرَى أَنَّ مَاطِنَ الْقَدَمَيْنِ أَحَقُّ بِالْمَسْحِ مِنْ ظَاهِرٍ هِمَا حَتَّى رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ) يَمْسَحُ ظَاهِرَهُمَا.

«Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оёқларнинг устига масҳ тортавётгандарини кўрмагунимча, оёқларнинг устига масҳ тортишдан кўра оёқларнинг остига тортишни муносиброк деб ўйлардим».¹⁷

Юқоридаги ҳадиси шарифда пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дан ҳазрат Али (алаиҳис салом) каби зот орқали таҳоратда оёққа масҳ тортиш кераклиги ошкора айтилган.

2. Абу Матар айтади:

2. عن أبي مطر قال: بينما نحن جلوس مع عليٍّ (عليه السلام) في المسجد جاء رجل إلى عليٍّ (عليه السلام) وقال: أرني وضوء رسول الله (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ) فدعا قنبر فقال: «إِنِّي بِكَوْزِ مِنْ مَاءٍ، فَغَسَلَ يَدَهُ وَوَجْهَهُ ثَلَاثًا فَأَدْخَلَ بَعْضَ أَصَابَعَهُ فِيهِ وَاسْتَشَقَ ثَلَاثًا وَغَسَلَ ذَارِعَهُ ثَلَاثًا وَمَسَحَ رَأْسَهُ وَاحِدَةً وَرَجَلَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ».

«Биз масжидда ҳазрат Али (алаиҳис салом) билан бирга ўтирганимизда, бир киши Али (алаиҳис салом) ҳузурларига келиб: «Менга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг таҳоратларини кўрсатинг», деди. Шунда ул ҳазрат Қамбарни чақириб: «Менга бир кўза сув олиб келгин», дедилар. Сўнгра ул ҳазрат уч марта қўйл ва юзларини ювиб, бармоқларини оғзларига солиб

16. Шаҳобуддин Олусий, «Рӯҳул Маъоний», 6-жилд, 87-бет, таҳорат оятининг тафсирида.

17. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 1-жилд, 153-бет, 739-ҳадис ҳамда 183-бет, 91-ҳадис.

(тишиларини ювдилар) ва уч марта бурунга сув олиб ювдилар. Уч марта (юз ва) қўлларини ювиб, кейин эса бир марта бошларига ва оёқларига бўгимларгача масҳ тортдилар».¹⁸

Ҳар икки ҳадис амирул мўминин ҳазрат Али (*алайҳис салом*) орқали Пайғамбар (с.а.в)дан ривоят қилинган бўлиб, ушбу икки ҳадисда икки хил воқеа-ҳодиса ҳақида хабар берилган, бироқ уларнинг умумий жиҳати Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) таҳорат олганларида оёққа масҳ тортганликлариdir.

3. Буср ибн Саъид айтади:

3. عن بسر بن سعيد قال: أتى عثمان المقاعد فدعا بوضوء فمضمضو واستنشق ثم غسل وجهه ثلاثاً ويديه ثلاثاً ثم مسح برأسه و رجليه ثلاثاً ، ثم قال: «رأيت رسول الله (صلى الله عليه وآلـهـ) هكذا توضأ، يا هؤلاء كذلك؟ قالوا: نعم، لنفر من أصحاب رسول الله (صلى الله عليه وآلـهـ) عنده».

«Усмон ўриндиққа келиб, таҳоратга сув сўради ва оғиз-бурнини чайқаб, сўнгра уч марта юзини ва уч марта қўлларини ювди. Кейин бошига ва оёқларига уч марта масҳ тортди-да, сўнгра деди: «Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг шундай таҳорат олаётганларини кўрдим». Кейин у ўша ерда ҳозир бўлган сахобаларга юзланиб: «Эй бу одамлар, шундайми?», деб сўради. У ердагиларнинг ҳаммаси: Ҳа, дея жавоб беришиди. Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) сахобаларидан бир неча киши унинг ёнида бор эди».¹⁹

Бу ҳадисдан кўриниб турибдики, нафақат Усмон ибн Аффон, балки бошқа бир гурух сахобалар ҳам Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) таҳорат олганда оёққа масҳ тортганликларига очик гувоҳлик беришган. Агарчи ушбу ҳадисда бош ва оёқларга масҳ тортиш уч марта деб айтилган бўлсада, аммо баъзиларнинг фикрига кўра, уч марта деб айтилгани мустаҳаб бўлишига ишора ёки ровийнинг хатоси бўлиши мумкин.

4. Руфоъа ибн Рофиъ айтади:

4. عن رفاعة بن رافع أذنه سمع رسول الله (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) يَقُولُ: «أذنَهُ لَا يَجُوزُ صلوٰةً أَحَدٌ كُمْ حَتَّى يَسْبِغَ الْوَضُوءَ، كَمَا أَمْرَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ، ثُمَّ يَغْسِلُ وَجْهَهُ وَيَدِيهِ إِلَى الْمَرْفَقَيْنَ وَيَمْسَحُ بَرَأْسِهِ وَرِجْلِيهِ إِلَى الْكَعْبَيْنَ».

18. Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 9-жилд, 448-бет, 26908-ҳадис.

19. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 1-жилд, 109-бет, 489-ҳадис.

Руфоъа ибн Рофиъ айтади: Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаїху ва олиху васаллам) нинг шундай деганларини эшиитдим: «Хеч бирингизнинг намози Аллоҳ таоло амр қилганидек вузу олмагунича тўғри бўлмайди: Юзи ва қўлларини тирсагигача ювади ҳамда боши ва оёқларига бўгимиғача масҳ тортади».²⁰

5. Абу Молик Ашъарий ўз қавмига деди:

5. عن أبي مالك الأشعري أنّه قال لقومه: «اجتمعوا أصلّى بكم صلوة رسول الله (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ فَلَمَّا اجتمعوا قال: هل فيكم أحد غيركم؟ قالوا: لا، إِلَّا ابن أخت لنا، قال: ابن أخت القوم منهم، فدعنا بحفنة فيها ماء فنوضهاً ومضمض واستنشق، وغسل وجهه ثلاثاً وذراعيه ثلاثاً ومسح برأسه وظهر قدميه، ثم صلّى بهم».

«Сизларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаїху ва олиху васаллам) нинг намозлари каби бир намоз ўқиб беришим учун тўпланинглар. Улар йигилганларида: «Орангизда сизлардан бошқа бирор киши борми?», деди. Улар: «Йўқ, фақат синглимиznинг бир ўгли бор», дейишди. У: «Қабиланинг синглиси ўгли ўша қабиладан ҳисобланади», деди ва бир идишда сув сўраб, таҳорат олди-да, оғиз ва бурнини чайқаб уч марта юзини ҳамда уч марта қўлларини ювди, кейин боши ва оёқлари устига масҳ тортди. Сўнгра улар билан намоз ўқиди».²¹

Абу Молик Ашъарий ўз қавмига: «Орангизда сизлардан бошқа бирор киши борми?», деб сўраши ўша замондаги ҳукмрон тузум томонидан сиёсий сабабларга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаїху ва олиху васаллам) намозларининг ўқилиш тарзини ёки ул зот қандай таҳорат олганликларини тушунтирилишига тўқиинлик қилинганини кўрсатади.

6. Абдуллоҳ ибн Амр шундай ривоят қиласди:

ما روي عن عبد الله بن عمرو، قال: تخلَّفَ عَنِّي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرَةٍ سَافَرْنَا هُنَا، فَأَدْرَكَنَا وَقَدْ أَرْهَقْتَنَا الصَّلَاةُ وَنَحْنُ نَنْوُضُهَا فَجَعَلْنَا نَمْسَحُ عَلَى أَرْجُلِنَا، فَنَادَى بِأَعْلَى صَوْتِهِ: «وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ» مِرَّتَيْنَ أَوْ ثَلَاثَةَ.

«Биз иўл олган сафарда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаїху ва олиху васаллам) биздан ортда қолиб, сўнг бизга етиб олдилар. Намоз вақти етиб келгач, таҳорат

20. Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунани Ибн Можаҳ», 1-жилд, 156-бет, 460-ҳадис ва шунингдек, Аҳмад ибн Шуайб Ан-Нисоий, «Сунанун-Нисоий», 2-жилд, 226-бет.

21. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 5-жилд, 342-бет.

олаётганимизда оёқларимизга масҳ торта бошладик. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) икки ёки уч марта баланд овозда: «Дўзах ўтидан товонларгавой бўлсин!», дедилар».²²

Агар ушбу ҳадис саҳих ва тўғри бўлса, у ҳолда таҳоратда оёққа масҳ тортишга далил бўлади. Зоро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларнинг оёқларига масҳ тортишларини рад ва инкор этмадилар, балки ушбу амални ўз каломлари билан қўллаб-қувватладилар ҳам. Сарвари коинот уларни қайтариб рад этган нарсалари товонларининг кир бўлганлиги эди.²³ Ва у зотнинг ушбу инкор ва рад этишлари тўғри ва ўринлидир. Чунки мусулмонлар орасида товонига сийдик сачрайдиган араблар ҳам бор эди. Айниқса, улар сафарда юрганларида бундай ҳолат кўп юз берарди. Бадавий араблар пешбнинг нажаслигидан сакланмай риоя қилмаганлари учун улар бундай нажас товонлар билан намоз ўқимасинлар, деб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларни дўзах оловидан қўрқитадилар.

Юқорида келтирилган ҳадислар Аҳли суннатнинг таникли китобларида машҳур ровийлар томонидан ривоят қилинган ҳадисларнинг жуда оз бир қисми эди. Бинобарин, таҳоратда оёқларга масҳ тортиш тўғрисида бирорта ҳадис ривоят қилинмаган ёки таҳоратда оёқларга масҳ тортишга далолат қиласиган фақат битта ҳадис бор, деб айтадиганлар ҳақиқатдан кўз юмиш ёки уни инкор этиш билан ҳақиқатни ўртадан кўтариш мумкин деб ўйлайдиган нодон ва мутаассиб кимсалардир.

Таҳоратда оёққа масҳ тортишга зид бўлган ҳадислар ҳақида

Аҳли суннатнинг машҳур манбаларида оёққа масҳ тортиш ҳақидаги дастлабки тоифа ҳадисларга зид ва қарама-қарши бўлган икки тоифа ҳадис борлигини инкор этмаймиз. Ўша икки тоифа ҳадисдан бири пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) таҳоратда оёқларини ювганликлари ҳақидаги ҳадислар бўлса, бошқаси эса оёққа масҳ тортиш ҳақида эмас ва оёқларни ювиш ҳақида ҳам эмас, аксинча, ул зот оёқ кийимларига масҳ тортганликлари ҳақидаги ҳадислардир!!

22. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийхул Бухорий», 1-жилд, 23-бет, 1-ҳадис, Китобул илм, бобу манрофати совтаху бил-илм.

23. Аҳли суннатнинг замондош тафсирчи олими Муҳаммад Рашид Ар-Ризо ўзининг «Тафсир ал-Манор» китобида 6-жилд, 288-бет билдириган фикр-мулоҳазаси худди шундай.

Таҳоратда оёқларни ювиш кераклигига далолат қиладиган ҳадислардан бири Усмон ибн Аффон озод қилган Ҳамрон исмли шахснинг ривоят қилган ҳадисидир. Ҳамрон айтади:

أخرج مسلم، عن أبي الطاهر أحمد بن عمرو بن سرح، وحرملة بن يحيى التيجي، قالا: أخبرنا ابن وهب، عن ابن شهاب، عن يونس، أن عطاء بن يزيد الليثي أخبره، أن حمران مولى عثمان أخبره، أن عثمان بن عفان دعا بوضوء فغسل كفيه ثلاث مرات، ثم مضمض واستنش، ثم غسل وجهه ثلاث مرات، ثم غسل يده اليمنى إلى المرفق ثلاث مرات، ثم غسل يده اليسرى مثل ذلك، ثم مسح رأسه، ثم غسل رجله اليمنى إلى الكعبين ثلاث مرات، ثم غسل اليسرى مثل ذلك، ثم قال: رأيت رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم توضأ نحووضئي هذا، ثم قال رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم: من توضأ نحو وضئي هذا، ثم قام فركع ركعتين لا يحدث فيها نفسه غفر له ما تقدّم من ذنبه.

«Усмон ибн Аффон таҳорат учун сув сўраб, таҳорат олди. Шунда у уч марта қўлларини ювиб, сўнг оғиз ва бурнини чайқади. Кейин уч марта юзини ювди. Сўнг ўнг қўлини тирсагигача уч марта ювиб, чап қўлини ҳам худди шундай ювди. Ундан сўнг бошига масҳ тортди. Сўнгра ўнг оёгини тўтиқларигача уч марта ювиб, чап оёгини ҳам худди шундай ювди. Кейин эса у шундай деди: Мен Расулуллоҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам)ни менинг ушбу таҳоратим каби таҳорат олаётган ҳолларида кўрдим. Сўнг Rasuлуллоҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам): «Ким менинг ушбу таҳоратим каби таҳорат олиб, кейин ўрнидан туриб таҳорати бузилмаган ҳолда икки ракъат намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», дедилар».²⁴

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Ансорийнинг ҳадисида ҳам таҳорат олганда оёқларни ювиш айтилган. Бухорий ўзининг «Ал-Жомиъус-Соҳийҳ» номли китобида шундай ривоят қиласди:

24. Ушбу ҳадиснинг манбаи:

- Мұслим ибн Ҳажжож Құшайрий, «Саҳиҳул Мұслым», 3-жилд, 107-бет, таҳорат китоби, 226-рақамли ҳадис.
- Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳхұл Бұхорий», 1-жилд, 51-бет, таҳорат китоби, бобул вузуын салосан салосан.
- Ахмад ибн Шуайб Ан-Нисоий, «Сұнанун-Нисоий», 1-жилд, 80-бет, таҳорат китоби, бобу ҳаддил ғосл.
- Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Хайсамий, «Мажмаъуз-зовоид ва манбаъул-фавоид», 1-жилд, 229-бет.

حدثنا موسى قال: حدثنا وهب، عن عمرو، عن أبيه قال: شهدت عمرو بن أبي حسن، سأله عبد الله بن زيد عن وضوء النبي صلّى الله عليه وآله وسلم، فدعا بtour من ماء، فتوضاً لهم وضوء الله تعالى صلّى الله عليه وآله وسلم: فاكفأ على يده من التور فغسل يديه ثلاثاً، ثم أدخل يده في التور فمضمض واستنشق واستشر ثلاث غرفات، ثم أدخل يده فغسل وجهه ثلاثة، ثم غسل يديه مرتين إلى المرفقيين، ثم أدخل يده فمسح رأسه فأقبل به وأدبر مرة واحدة، ثم غسل رجليه إلى الكعبين.

«Амр ибн Абу Ҳасан, Абдуллоҳ ибн Зайддан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаайҳи ва олиҳи васаллам) нинг таҳоратлари ҳақида сўради. У [Абдуллоҳ ибн Зайд] бир идиида сув сўраб, уларга Пайгамбар (соллаллоҳу алаайҳи ва олиҳи васаллам) нинг таҳоратлари каби таҳорат олиб кўрсатди. Шунда у идиидан сув олиб, уч марта қўулларини ювди. Сўнг қўulinи идиига киркизиб, уч марта оғзини ва бурнини чайқади. Сўнгра қўulinи идиига киркизиб, юзини уч марта ювди. Кейин қўулларини икки марта тирсакларигача ювди ва сўнгра қўulinи идиига киргизиб, бошига масҳ тортди. Олдинга ва орқага қилиб, бир марта масҳ тортди. Кейин эса оёқларини тўпиқларигача ювди».

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Анзорий ҳадиснинг охирида: «Пайгамбар (соллаллоҳу алаайҳи ва олиҳи васаллам) нинг таҳоратлари мана шундай эди», деди.²⁵

Энди қачонки бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлган икки тоифа ҳадисга дуч келсак, усул илмининг қатъий қоидасига кўра, икки тоифа ҳадис бирор масалада зиддиятли маъно-мазмунни англатса, дастлаб улар далолат қиласиган маъно-мазмунни ягона бир нарсага жамлаш ва татбиқ этиш лозим, яъни ҳар икки тоифа ҳадисни бир-бирига ҳамоҳанг ва мувофиқ келадиган тарзда изоҳлаш ва тафсир қилиш керак. Албатта, бу ишни урф тушунчасининг мезонлари асосида амалга оширмоқлик зарур.

Агар бу ишнинг имкони бўлмаса, унда ушбу зиддиятли икки тоифа ҳадисни Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримга тақдим этиш ва таққослаш керак, яъни уларнинг қайси бири Қуръонга мувофиқ ва мутобиқ бўлса, ўшани қабул қилиб, иккинчисини эса четга суриш керак. Ушбу қоида қатъий далиллар билан исботланган кўрсатмадир.

Демак, усул илмининг ушбу қоидасига биноан, оёққа масҳ тортиш ҳақидаги ҳадислар билан оёқни ювиш борасидаги ҳадислар ўртасини жамлаб, шундай хulosha чиқариш мумкин; Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаайҳи ва олиҳи васаллам)

25. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 1-жилд, 81-бет, таҳорат китоби, 186-рақамли ҳадис.

таҳоратда оёққа масҳ тортишни фарз амал сифатида адо этганлар. Сўнгра таҳоратнинг фарзи бўлмаса-да, оёқларини тоза ва покиза сақлаш учун баъзан оёқларни ювганлар. Ушбу манзарани кузатган баъзи ровийлар оёқларни ювиш таҳоратнинг фарзи, деб ўйлашган.

Дарвоқе, шиалар орасида ҳам кўп кишилар шундай қилишади, яъни таҳоратнинг фарзи сифатида оёққа масҳ тортгандан кейин оёқларни тоза сақлаш учун уларни ювадилар.

Арабистон ярим оролининг жарима иссиқ ҳавоси туфайли усти ёпиқ оёқ кийим кийишдан кўра, усти очик чориқ кийиш кенг тарқалган ўша муҳитда оёқларни ювиш зарурроқ бўлиб туюларди. Зеро, усти очик чориқ оёқларни ифлосланишдан тўлиқ ҳимоя қилмасди. Шу боис, оёқларни ювишга кўп эҳтиёж сезиларди.

Ҳар ҳолда таҳоратнинг охирги фарз амали оёқларга масҳ тортишдан иборат бўлиб, оёқларни одатий ювишдан буткул фарқ қиласди. Шунингдек, нассга қарши ижтиҳод қилиш, яъни Қуръон оятлари ва ҳадисларга қарши ижтиҳод қилиб, ҳукм чиқариш бир гуруҳ уламоларни таҳоратда оёқларни ювиш хақида фатво беришга унданған бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Чунки улар оёқларнинг ифлосланишини фақат ювиш билан кетказиш мумкин, деб ўйлашган. Кейин эса улар таҳоратда оёқларга масҳ тортишни буюрган Мойда сурасининг 6-ояти маъно-мазмунини четга суриб қўйишиган. Чунки юқоридаги маълумотларда баъзи сунний уламоларнинг сўзларида келганидек, оёқларни ифлосланганлиги учун ювиш афзал ва оёққа масҳ тортишнинг ўзи етарли эмас деб айтишганди.

Агар юқоридаги маъно-мазмун жиҳатидан бир-бирига зид бўлган икки тоифа ҳадисларнинг ўртасини урф тушунчалик мезонлари асосида жамлаш мумкин эмас деб айтадиганлар бўлса, у ҳолда ушбу икки тоифа ҳадисларнинг қайси бири Қуръонга мувофиқ бўлса, ўшани қабул қилиб, бошқасини эса четга суришимиз керак бўлади. Бу ҳақда ўз назаримизни қуидагича келтирамиз:

Биринчидан; Таҳоратда оёқларни ювиш хақидаги ҳадислар Қуръони Каримга ҳамда Расулуллоҳ (*сөллалоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг Аҳли-Байтларидан бўлган имомлар ижмосига зиддир. Қуръон ва Итрат Расулуллоҳ (*сөллалоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бизга қолдирган икки бебаҳо мерос бўлиб, улар зинҳор бир-биридан ажralмаслар ва Ислом уммати бу иккисини маҳкам тутиши билан тўғри йўлдан адашмайди. Шунинг учун, нимаики бу икки бебаҳо мероснинг таълимотларига зид ва муҳолиф бўлса, уни деворга уриш керак.

Таҳоратда оёқларни ювиш ҳақидаги ҳадислар заиф ва асоссиз эканлигини билиш учун айрим масалаларни кўздан кечирамиз. Умматнинг зийнати ҳамда Аллоҳнинг китоби Қуръонни ва Сарвари олам Суннатларини мукаммал билгувчи Абдуллоҳ ибн Аббос таҳоратда оёққа масҳ тортиш кераклиги ҳақида шундай далил-исбот келтирган:

افتراض اللہ علیہ غسلتین ومسحتین، لا تری ازه ذکر التیم وجعل مکان الغسلتین مسحتین وترك المسحتین؟! وکان یقول:
الوضوء غسلتان ومسحتان.

«Аллоҳ таоло таҳоратда икки аъзони ювинишни ва икки аъзога масҳ тортишини фарз қилди. Таяммумда эса икки аъзони ювиш ўрнига ўша икки аъзога масҳ тортишини айтиб, таҳоратда бажариладиган икки масҳни тарқ этганини кўрмаяпсизми?!» Ибн Аббос доим: «Таҳорат икки аъзони ювиши ва икки аъзога масҳ масҳ тортишдир», дер эдилар.²⁶

Муъаввиз ибн Афроъ Анзорий қизи Рабийънинг Расулуллоҳ (с.а.в) унинг кўзи олдида таҳорат олиб, таҳоратда оёқларини ювганликлари ҳақидаги хабари Абдуллоҳ ибн Аббосга етгач, Ибн Аббос ўша аёлнинг олдига келиб, ундан: Бундай гапни қаердан олиб айтаяпсиз? деб сўради. Ибн Аббос у аёлнинг гапларини эшитгач, деди:

قال: غير مصدق بل منكرًا ومحتجًا - إنَّ النَّاسَ أَبْوَا إِلَّاَ الْغُسْلَ، وَلَا أَجَدُ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِلَّاَ الْمَسْحَ.

«Бундай ривоят тасдиқланмаган, балки инкор ва рад этилгандир. Одамлар бош тортиб, таҳоратда фақат оёқларни ювиши керак, деб оёқ тираб олишиди. Ҳолбуки, мен Аллоҳнинг китобида фақат оёққа масҳ тортишини топганман».²⁷

Иккинчидан; Юқорида келтирилган далил-исботлардан ташқари, ушбу ингичка фикр-мулоҳазани ҳам илгари сурмоқ лозимки, агар таҳоратда оёқларни ювиш ҳақидаги ривоят тўғри бўлиб, таҳоратда оёқларни ювиш керак бўлса эди, унда бу мавзу мутавотир²⁸ тарзда ривоят қилиниши керак эди. Зероки, юқори аҳамиятга эга бўлган таҳорат каби бир масалага барча мусулмонлар – ёш, кекса, аёл ва эркак ҳар куни эҳтиёж сезишади.

26. Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 5-жилд, 103-бет, 2211 ва 2213-ҳадислар.

27. Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунани Ибн Можаҳ», 1-жилд, 56-боб: Ғаслул қодамайн ва шунингдек, Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 9-жилд, 432-бет, 26837-ҳадис.

28. Агар бирор ҳадис бутун асрлар давомида ишончли ровийлар томонидан шу даражада кўп ривоят қилинган бўлсаки, ўша ҳадис Пайғамбаримиз томонларидан айтилганига хеч қандай шак-шубҳа қолмаса, ҳадисчи олимлар бундай ҳадисни «мутавотир» деб аташади.

Бинобарин, бундай юқори аҳамиятли масала мутавотир тарзда ривоят қилинмай, ўзга чора йўқдир. Агар мусулмонларнинг вазифаси ояти каримада ошкор айтилган оёқларга масҳ тортишдан бошқа нарса бўлса эди, мусулмонлар уни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*сөлаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) замонларидаёқ билиб олишлари зарур бўлиб, мусулмонлар наздида аниқ ва қатъий бир масала бўлиши керак эди ҳамда уни инкор этиш ёки шубҳа қилишга ўрин бўлмаслиги керак эди. Бундай бўлмаганидан таҳоратда оёқларни ювиш кераклиги ҳақидаги ҳадислар заиф ва асоссиз эканлиги маълум бўлади.

Таҳоратда ихтилоф пайдо бўлишининг сабаблари

Албатта, Ислом дини умумбашарий дин бўлиб, бутун асрлар ва замонлар бўйлаб ер юзидағи барча минтақалардаги халқлар учун Аллоҳ таоло томонидан юборилгандир. Айни ҳолда, ушбу илоҳий дин абадий ва умумбашарий бўлгани учун бутқул осон ва енгил тузилган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бир кеча-кундузда таҳорат учун беш марта оёқларни ювиш дунёning турли юртларидағи одамларга қўп муаммо ва қийинчиликлар туғдириши турган гап. Ушбу қийинчилик ва муаммолар айрим инсонларни таҳорат ва намоздан узоқлашишига олиб келади.

Ва бу ҳолат нассга қарши, яъни Қуръон оятлари ва сахих ҳадисларга қарши ижтиҳод қилиб, ҳукм чиқаришнинг ва оёққа масҳ тортиш ҳақидаги сахих ҳадисларни тарқ этишнинг натижасидир.

Энди бу ҳақда туғиладиган савол шундан иборат: Таҳоратда оёқларни ювишга далолат қилувчи ҳадисларга қандай муносабатда бўлишимиз керак? Биз бу борада иккита ечим борлигини айтамиз:

A. Таҳоратда оёқларни ювиш ҳақидаги ҳадислар Қуръон ояти орқали насх қилинган:

Бир неча ҳадислардан маълум бўлишича, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*сөлаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) шарафли умрларининг бир даврида Аллоҳ таолонинг амри билан таҳоратда оёқларини ювардилар. Зора машхур бўлган ушбу: «*وَيْلٌ لِلْعَاقَابِ مِنَ اللَّهِ*» «Дўзах ўтидан товоонларгавой бўлсин!», деган ҳадис ўша даврда ул зотдан ворид бўлгандир. Бироқ Қуръони Каримнинг таҳоратда оёқларга масҳ тортишга буюрган ояти нозил бўлгач, оёқларни ювиш суннати Қуръони Карим орқали бекор қилинди.

Маълумки, Моида сураси Сарвари оламга нозил бўлган сўнгги сура бўлгани учун унинг ҳеч бир ояти насх (бекор) қилинмаган. Ибн Жарийр Анас розияллоҳу анхудан шундай ривоят қиласди:

أخرج ابن جرير عن أنس قال: نزل القرآن بالمسح، والسنّة بالغسل.

«Қуръон оёқларга масҳ тортиши билан ва Суннат эса оёқларни ювиши билан нозил бўлди».²⁹

Юқоридаги таъбирда «Суннат» деганда, Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*)нинг Қуръон ояти нозил бўлишидан олдинги амаллари назарда тутилган ва маълумки, Қуръон ҳоким (устун турувчи) ва носих (бекор қилувчи)дир.

Ибн Аббос бу борада айтади:

وقال ابن عباس: أبى الناس إلّا الغسل، ولا أجد فی كتاب الله إلّا المسح.

«Одамлар оёқларни ювишдан бошқа амалдан бош тортишиди. Ҳолбуки, мен Аллоҳнинг китобида фақат оёққа масҳ тортишнигина топганман, холос». ³⁰

Шунинг билан, Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*)нинг таҳоратда оёқларини ювганликлари ҳақида ривоят қилинган ҳадислар билан оятнинг оёқларга масҳ тортиш кераклиги хусусидаги ошкора маъно-мазмунининг ўртасини шундай бирлаштириш мумкин: Таҳоратда оёқларни ювиш оят нозил бўлишидан олдин амалга оширилган. Аммо оят нозил бўлгач, таҳоратнинг амалларидан бири сифатида оёқларга масҳ тортилган.

Б. Ҳокимият томонидан таҳоратда оёқлар ювилишининг тарғиб этилиши

Қуръони Карим таҳорат олганда оёқларга масҳ тортишга буюрганига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ, лекин халифалар ва хукмдорларнинг кўзлаган манфаати оёқларнинг ифлосланишини сабаб қилиб кўрсатиб одамларни оёқларга масҳ тортиш ўрнига оёқларни ювишга мажбурлашни тақозо қилди. Ўша даврдаги одамларнинг кўпчилиги ялангоёқ юргани учун оёққа масҳ тортишни ювиш билан алмаштириш истаги уларга ёқиб тушди. Бу борада бизгача етиб қелган аниқ маълумотлар ушбу аянчли ҳолат юз берганини кўрсатади:

29. Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур» тафсири, 3-жилд, 1 ва 4-бетлар.

30. Юқоридаги манба, 3-жилд, 4-бет.

روى ابن حرير عن حميد، قال: قال موسى بن أنس ونحن عنده: يا أبا حمزة أَنَّ الْحِجَاجَ خَطَبَنَا بِالْأَهْوَازِ وَنَحْنُ مَعَهُ وَذَكَرَ الطَّهُورَ، فَقَالَ: اغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ وَامْسِحُوا بِرُؤُسِكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ، وَإِنَّهُ لَيْسَ شَيْءًا مِّنْ أَنَّ إِدَمَ أَقْرَبَ مِنْ خَبْثَةِ مِنْ قَدْمِيهِ، فَاغْسِلُوا بُطُونَهُمَا وَظَهُورَهُمَا وَعِرَاقِيهِمَا. فَقَالَ أَنَّسٌ: صَدَقَ اللَّهُ وَكَذَبَ الْحِجَاجَ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَامْسِحُوا بِرُؤُسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ﴾ قَالَ: وَكَانَ أَنَّسٌ إِذَا مَسَحَ قَدْمِيهِ بَلَّهَا.

Ибн Жарийр Ҳумайддан ривоят қиласи: “Мусо ибн Анас биз унинг ёнида бўлганимизда деди: «Эй Абу Ҳамза, Ҳажжож биз Аҳвозда у билан бирга бўлганимизда бизга хутба ўқиди. Хутбасида таҳоратни тилга олиб: «Юзларингизни ва қўлларингизни ювинглар, бошларингизга ва оёқларингизга масҳ тортинглар. Одам боласига унинг оёқларидағи ифлосликдан кўра яқинроқ нарса йўқ. Шундай экан, оёқларнинг ичини ва устини ҳамда орқаларини ювинглар», деди».

Анас розияллоҳу анҳу деди: «Аллоҳ рост сўзлади ва Ҳажжож эса ёлгон айтган. Аллоҳ таоло Ўз китобида: «Бошларингизга ва оёқларингизга масҳ тортинглар», деб марҳамат қилган». Ҳумайд деди: Қачон Анас оёғига масҳ тортса, доим уни ҳўллар эди.³¹

Ўша замондаги ҳукмдорларнинг расмий тарғиботи таҳоратда оёқларни ювишга қаратилгани ва таҳоратда оёқларга масҳ тортиш фарз қилинган деганларни жазолашгани учун таҳоратда оёққа масҳ тортадиганлар ўз эътиқодларини изхор қилишдан қўрқар ва ақидаларини фақат яширинча ҳолдагина билдирап эдилар. Бу борада Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Молик ал-Ашъарийдан шундай ривоят қиласи: Абу Молик ал-Ашъарий ўз қавмига деди:

عن أبي مالك الأشعري أَنَّهُ قَالَ لِقَوْمِهِ: «اجْتَمَعُوا أَصْلَى بِكُمْ صَلْوةَ رَسُولِ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلَهُ وَسَلَّمَ) فَلَمَّا اجْتَمَعُوا قَالَ: هَلْ فِيْكُمْ أَحَدٌ غَيْرَكُمْ؟ قَالُوا: لَا، إِلَّا أَبْنَ أَخْتِنَا، قَالَ: أَبْنَ أَخْتِنَا قَوْمٌ مِّنْهُمْ، فَدَعَا بِحَفْنَةٍ فِيهَا مَاءٌ فَتَوَضَّأَ مَوْضِعُهِ وَاسْتَشْقَ، وَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثَةً وَذَرَاعِيهِ ثَلَاثَةً وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَظَهَرَ قَدْمِيهِ، ثُمَّ صَلَّى بِهِمْ».

«Сизларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаїҳи ва олиҳи вассаллам)нинг намозлари каби бир намоз ўқиб беришим учун тўпланинглар. Улар йигилишганида: «Орангизда сизлардан бошқа бирор киши борми?», деди. Улар: «Йўқ, фақат синглимиznинг бир ўғли бор», дейишди. У: «Қабиланинг синглиси

31. Ушбу ривоятнинг манбаи:

- Ибн Касир, «Тафсир ибн Касир», 2-жилд, 27-бет.
- Мухаммад ибн Жарийр ат-Табарий, «Жомиъул баён ҳан таъвили ойил-Куръон» ёки «Тафсир ибн Табарий» номи билан танилган, 6-жилд, 82-бет.

ўгли ўша қабиладан ҳисобланади», деди ва бир идиида сув сўраб, таҳорат олди-да, оғиз ва бурнини чайқаб уч марта юзини ҳамда уч марта қўлларини ювди, кейин боши ва оёқлари устига масҳ тортиди. Сўнгра улар билан намоз ўқиди».³²

Бинобарин, юқорида келтирилган асосларга кўра, нима сабабдан Қуръони Каримда таҳоратда оёқларга масҳ тортишга буюрилган бўлса-да, лекин Аллоҳнинг каломига зид ва қарама-қарши ўлароқ, оёқларни ювиш мусулмонлар орасида кенг тарқалгани маълум бўлди.

Оёққа эмас, оёқ кийимларга масҳ тортиш масаласи!

Хар бир холис тадқиқотчини ҳайратга соладиган ўта ғалати нарса – бу таҳоратда оёқларга масҳ тортиш жоиз эмаслигини айтиб, оёқларни ювиш зарурлигини таъкидлаган Аҳли суннат биродарларимизнинг кўпинча таҳоратда оёқларни ювиш ўрнига маҳси ва чориқ каби оёқ кийимларга масҳ тортиш мумкинлигини ошкора айтишларидир. У ҳам бўлса, ночор ахволда эмас, балки ихтиёрий ҳолда, фақат сафардагина эмас, балки ўзининг яшаб турган жойида ва ҳар қандай вазиятда, бу амал жоиздир.

Чиндан ҳам, бундай ҳукм; оёқларни ювиш ёки оёқ кийимига масҳ тортиш одамни машакқатга солади!

Албатта, Аҳли суннат фиқхида афсуски озчилик деб қабул қилинган бошқа бир гурӯҳ оёқ кийимига масҳ тортишни жоиз деб билмас эдилар. Улар Али ибн Абу Толиб (*алаихис салом*), Ибн Аббос, Пайғамбаримиз завжалари Оиша ва Аҳли суннат пешволаридан бири бўлган Молик (унинг фатволаридан бирига кўра) каби шахслардан иборат.

Қизифи шундаки, Аҳли суннат наздида фатвоси ва ривоятлари улкан аҳамиятга эга бўлган “Оиша” оёқ кийимига масҳ тортиш хусусида айтади:

«لَنْ تَقْطُعْ قَدْمَاهُ أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنْ أَنْ أَمْسِحَ عَلَى الْخَفَّيْنِ».

«Чориққа масҳ тортишидан кўра икки оёғим кесиб ташланса, менга суюклироқдир».³³

Ибн Аббос (разияллоҳу анху)дан бу борада шундай ривоят қилинган:

32. Ушбу ривоятнинг манбаи:

- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 5-жилд, 342-бет.
 - Табароний, «Ал-Мўжамул Кабийр», 3-жилд, 280-бет, ривоят рақами: 3412.
33. Муҳаммад бин Аҳмад Ас-Сараҳсий (483 ҳижрий йилда вафот этган), «Ал-Мабсут», 1-жилд, 98-бет, Байрут, Дорул маърифа нашри, 1406 ҳижрий қамарий йил.

ما روی عن ابن عباس (رض) قال: سلوا هؤلاء الذين يررون المسح هل مسح رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم بعد نزول المائدة؟ والله ما مسح رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم بعد نزول المائدة، ولكن أمسح على ظهر عن في الصلاة أحب إليّ من أن أمسح على الخفين.

«Чориққа масх тортышни ривоят қилған ўша кишилардан сұранг: Қани Расулуллох (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) Мойда сураси нозил бўлганидан кейин ҳам чориққа масх тортганларми? Аллоҳга қасамки, Расулуллох (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) Мойда сураси нозил бўлганидан сўнг, чориққа масх тортмаганлар. Агар намоз учун таҳорат олганда эчкининг белига масх тортсам, бу иш менга чориққа масх тортышдан кўра маҳбуброқдир».³⁴

Баъзилар ҳазрати Али (алаиҳис салом) ва Оиша розияллоҳу анҳо таҳоратда чориқ ва маҳсига масх тортиш жоиз эмас деган қавлдан (фикрдан) қайтиб, бу амал таҳоратда жоиз деб айтганлар, дейишган. Бироқ, бу зотларнинг таҳоратда чориқ ва маҳси каби оёқ кийимларга масх тортишни жоиз эмас деган қавллари ҳаммага маълум ва исботланган ҳам, лекин уларнинг бу қавлдан қайтганликлари ҳакида етишган ривоят «хабари воҳид», яъни ишонч ҳосил қиласиган даражага етмаган ривоятлар бўлиб, бундай қалтис масалада уларга таяниб бўлмайди.

Тағин, ҳазрати Али (алаиҳис салом) ва Оиша кечаю кундуз пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллох (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга бўлиб, у зотнинг таҳоратларини кўрган бўлсалар, қандайига Пайғамбарнинг таҳорат олишлари тартиби уларга яширин бўлгани учун оёқ кийимиға масх тортишни ҳаром деб фатво берганлар, лекин ҳакиқат аён бўлгач, ўзларининг фатволаридан воч кечиб, ушбу амал таҳоратда жоиз деганлар, деб айтиш мумкин?!

Агар Аҳли суннат биродарлар Қуръонга мувофиқ бўлган Расулуллох (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларининг ҳадислариға амал қиласиганларида, оёқларга масх тортишдан бошқа нарсани қабул қилмаган бўлардилар.

34. Ушбу ривоятнинг манбаи:

Фахриддин Ар-Розий, «Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатиҳұл гайб», 11-жилд, 163-бет, таҳорат оятининг тафсирида.

Муҳаммад бин Аҳмад Ас-Сараксий, «Ал-Мабсүт», 1-жилд, 98-бет.

Сарвари коинотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган бешинчи пешвоимиз Имом Муҳаммад Боқир (*алаиҳис салом*) мўътабар ҳадисда айтадилар:

«نَلَّا تَهُدِي فِيهِنَّ أَحَدًا شُرْبُ الْمُسْكِرِ، وَمَسْحُ الْخُفَّينِ وَمَنْعَةُ الْحَجَّ».

«Уч нарса борки, мен уларда ҳеч кимдан тақия қилмасман: Маст қилувчи ичимликларни ичиш, чориққа (оёқ кийимиға) масҳ тортиши ва ҳаж мутъасини бажариш».³⁵

Факихларнинг оёқ кийимиға масҳ тортишнинг жоизлиги ёки жоиз эмаслиги борасидаги қаттиқ ихтилофи бу амални жоиз деб айтган ривоятлар ҳамда тақиқловчи ривоятларнинг соқит бўлишига олиб келади. Бундай пайт масаланинг ҳукмини аниқлаш учун Аллоҳ таолонинг Каломи бўлмиш Қуръони Каримга мурожаат қилинади. Ва юритилган баҳслардан маълум бўлдики, Моида сурасининг 6-оятига кўра, таҳорат олганда оёқларга масҳ тортмоқлик фарз қилинган, оёқларни ювиш эмас ва маҳсига масҳ тортиш ҳам эмас.

Таҳоратда оёқларни ювиш ёки унга масҳ тортиш ўрнига ихтиёрий равишда маҳсига ёки чориққа масҳ тортиш шариатда жоиз бўлса эди, саҳобаларнинг ҳаммаси бу масалани билган бўларди ва улар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф юз бермаган бўларди ҳамда бу масала мутавотир даражасига етган бўларди. Бироқ кўриб турибмизки, таҳорат масаласида саҳобалар ўртасида муентазам равишда ихтилоф мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси таҳоратда маҳсига ёки чориққа масҳ тортиш жоиз ва мумкин эмаслигига далолат қиласи. Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи вاصالлам*)нинг таҳоратда чориққа масҳ тортганликлари исботланган тақдирда, бу амал билан Моида сурасининг 6-ояти ўртасини қўйидаги икки услубда бирлаштириш мумкин:

А. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи вاصالлам*) “Моида” сурасидаги таҳорат ояти нозил бўлишидан олдинги маълум бир муддат давомида чориққа масҳ тортганлар. Бироқ “Моида” сурасининг 6-ояти нозил бўлиши биланоқ Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи вاصالлам*)нинг бу амаллари, яъни чориққа масҳ тортиш насх (бекор) қилинди. Шу тартибда чориққа масҳ тортиш жоизлиги билан тўғридан-тўғри оёқларга масҳ тортиш зарурлигининг ўртасини жамлаш мумкин. Ҳазрати Али (*алаиҳис салом*)дан бу борада қўйидаги ҳадис кўп маротаба ривоят қилинган:

35. Шайх Муҳаммад ибн Яъқуб Кулайний, «Ал-Кофи», З-жилд, 32-бет.

«سبق الكتاب المصحح على الخفّين».

«Аллоҳнинг Китоби [Қуръони Карим] чориққа масҳ тортшидан ошиб ўтди».³⁶

Ушбу ҳадис айнан шу масалага далолат қилиб, унинг маъноси чориқ ва маҳсига масҳ тортиш пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) томонларидан маълум муддатга рухсат этилган, лекин Қуръони Каримдаги “Моида” сурасининг 6-ояти нозил бўлиб, ушбу рухсатни насх (бекор) қилган, демакдир.

Б. Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Ҳабашистон подшоси Нажоий томонидан ул зотга ҳадя берилган чориқнинг устига масҳ тортганлар. Ушбу чориқнинг устки қисми очиқ бўлиб, масҳ тортганда кўл оёқнинг терисига тегишига ҳеч бир тўсиқ йўқ эди. Шу боис, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) оёқларига чориқ кийган бўлсалар-да, масҳ тортганлар. Лекин ул зотни кўрган баъзи одамлар: «*Пайғамбар (с.а.в) чориқларига масҳ тортдилар*», деб ўйлашди ва ул ҳазрат чориқнинг ўзига эмас, балки чориқ кийган икки оёққа масҳ тортганликларига эътибор қилишмаган. Натижада айрим саҳобалар томонидан чориққа масҳ тортиш жоиз эканлиги хусусида ҳадислар ривоят қилина бошлаган.

Имомия мазҳабининг таниқли ҳадисчи олимларидан бўлган мархум Садук ўзининг «*Ман Лаа Яҳзурухул Фақиҳ*» номли машҳур асарида бу ҳақда шундай дейди:

ولم يعرَف للنبيِّ صلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ خَفَّ إِلَّا خَفَّ أَهْدَاهُ لِهِ النِّجَاشِيُّ وَكَانَ مَوْضِعُ ظَهَرِ الْقَدْمَيْنِ مِنْهُ مشْقُوقًا، فَسَعَى النَّبِيُّ صلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ عَلَى رَجُلِيهِ وَعَلَيْهِ خَفَّاهُ، فَقَالَ النَّاسُ: إِذْنُهُ مَسْحٌ عَلَى خَفَّيْهِ.

«*Пайғамбар* (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)*нинг Нажоий томонидан у зотга ҳадя қилинган чориқдан бошқа бирор бир чориқлари борлиги маълум эмасdir. У чориқнинг устки қисми очиқ ҳолда эди. Пайғамбар (с.а.в) ўша*

36. Ушбу ҳадиснинг Аҳли суннат наздидаги манбалари:

Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 1-жилд, 272-бет.

Махмуд ибн Аҳмад ал-Айний ал-Ханафий, «Умдатул Қорий фий шарҳи Саҳиҳил Бухорий», 3-жилд, 97-бет, Миср чопи.

Мұхаммад ибн Али ибн Мұхаммад Аш-Шавконий, «Найлул Автор», 1-жилд, 223-бет, Байрут, Дорул кутубил илмия чопи.

чориқни кийгән ҳолда оёқларига масх тортдилар. Лекин у зотни күзатиб турған одамлар: Ул ҳазрат чориқларига масх тортдилар, дейишиди».³⁷

Аҳли суннатнинг таниқли ва буюк ҳадисчи олим Байҳақий ўзининг «Ас-Сунанул Кубро» номли китобида: “Бобул хуффилазий масаҳа ъалайҳи Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*”, яъни “Расулуллоҳ (с.а.в) унинг устига масх тортган чориқ ҳақидаги Боб” сарлавҳаси остида бир БОБни битган бўлиб, ушбу бобнинг баъзи ҳадисларидан аксари муҳожир ва ансор саҳобаларнинг чориқлари усти очиқ ҳолда эканлигини тушуниш мумкин. Байҳақий бу борада айтади:

«وَكَانَ كَذَلِكَ خَفَافُ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ مُخْرَقَةً مُشْقَقَةً».

«Ва шунингдек, муҳожир ва ансорларнинг чориқлари ҳам йиртиқ ва усти очиқ эди».³⁸

Шунга биноан, муҳожир ва ансор саҳобалар ҳам оёқларининг ўзига масх тортган бўлишларининг эҳтимоли жуда кучли.

Оёқ кийимга масх тортиш ақл ва шариат тарозисида!!

Аввал айтиб ўтганимиздек, Аҳли суннат таҳоратда оёқларга масх тортишни инкор этишда қаттиқ туриб олиб, оёқларни ювишни фарз деб билишса-да, айни пайтда таҳорат олаётганда оёқ кийимга масх тортишни жоиз деб билишади ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан ривоят қилинган баъзи ҳадисларни ўзларига асос қилиб оладилар. Ҳолбуки, Сарвари олам Аҳли-Байтларининг ҳадисларида оёқ кийимга масх тортиш масаласи буткул рад этилган ва Аҳли суннатнинг мўътабар манбаларида келган кўплаб саҳиҳ ҳадисларда ҳам бу амалнинг акси очиқ айтилган.

Масалага бир оз ойдинлик киритадиган бўлсак, имомия фуқаҳо ва мужтаҳидларининг Аҳли-Байт ҳадисларига асосланиб қилган ижмолари шундан иборатки, оёқ кийимга масх тортиш мутлақо жоиз эмас. Бироқ Аҳли суннат фуқаҳо ва уламоларининг кўпчилиги ҳазарда (ютида) ва сафарда оёқ кийимга масх тортишни мутлақо жоиз деб билишган. Албатта, уларнинг баъзилари ҳам ушбу амални факат зарурий ҳолатлардагина жоиз билиб, уни чеклаганлар.

37. Шайх Садук, «Ман Лаа Яхзурүхүл Фақиҳ», 1-жилд, 48-бет, 10-ҳадиснинг изоҳида.

38. Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 1-жилд, 283-бет.

Бу ерда таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақида баъзи саволлар туғилади, жумладан:

1. Қандай қилиб таҳоратда оёқларга масҳ тортиш жоиз эмас-у, лекин оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз бўларкан?! Ҳайратланарли жойи шундаки, таҳоратда оёқларни ювишга келганда, оёқ ифлосланади, шу боис, оёқка масҳ тортишдан кўра, уни ювиш афзал, дейишади. Аммо оёқ кийимга масҳ тортишни тўғри ва жоиз деб айтишади.

Ифлосланган оёқ кийимларга масҳ тортиш оёқларни ювиш ўрнини боса олармикан? Аҳли суннатнинг кўп уламолари таҳоратда оёқларни ювиш билан оёқ кийимга масҳ тортиш ўртасида бирини танлашни ихтиёрий деб билганлар.

2. Нега энди Аҳли суннатга мансуб мусулмонлар Қуръони Каримнинг таҳорат олганда бошларингизга ва оёқларингизга бўғимларгача масҳ тортингиз, деган кўрсатмасидан воз кечиб, оёқ кийимларга масҳ тортишга ўтишган?

3. Нега Аҳли суннат биродарларимиз Сарвари коинот Аҳли-Байтларининг оёқ кийимга масҳ тортишни бир овоздан рад этган ҳадисларини ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*сөллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) нинг у зотларни Қуръони Карим билан биргаликда ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатувчи деб таништирган кўрсатматларини эътиборга олишмайди?

4. Тўғри, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*сөллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) нинг оёқ кийимга масҳ тортганликлари ҳақида айрим ҳадислар ворид бўлган, лекин бунинг акси ўлароқ, ул зотнинг таҳоратда оёқларига масҳ тортганликлари ҳақида ҳам саҳиҳ ҳадислар етишган. Нега ҳадислар бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлганда, Қуръон Каримга юзланиб, ҳадислар ўртасидаги зиддият ва ихтилофни ҳал қилиш учун Қуръонни ҳоким қилиб, унинг кўрсатмаларига таслим бўлмаймиз?

Ахир Қуръони Карим бизга таҳорат олганда бош ва оёқларга масҳ тортишни буюрган-ку! Ва биз бу масалани қанчалик кўп ўрганиб тадқиқ қилсак, шунчалик кўп ғароиб нарсаларга дуч келамиз:

«Ал-Фиқҳ Алал-Мазаҳибил-Арбаъа» китобида бу борада шундай дейилган: Таҳоратда оёқларни ювиш афзал ва яхшироқ бўлса-да, бироқ зарурат ва ноҷорлик пайти оёқ кийимга масҳ тортиш вожиб бўлиб, зарурат бўлмаганда эса бу амал жоиздир. Сўнг “Ҳанбалийлар”нинг бу борадаги фиқҳий қарashi иқтибос келтирилган: Оёқ кийимларни ечиб оёқларни ювишдан кўра, оёқ кийимга масҳ тортиш афзал ва бу эса бизга берилган рухсатни маҳкам

ушлаб, неъматга шукр қилмоқлиқдир. Абу Ҳанифанинг баъзи издошлари ҳам ушбу масалага розилик билдиришган.³⁹

Сўнгра ушбу китобда таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш бир талай ҳадислар билан исботланган бўлиб, қарийб мутавотир даражасига етган деб айтилган.⁴⁰

Энг қизиғи шундаки, ушбу китобда бундай оёқ кийимларнинг шартлари, унга масҳ тортишнинг миқдори ва масҳ тортиш муддати, яъни оёқ кимийга масҳ тортиш неча қун давом этиши жоиз ва мумкинлиги, оёқ кимийга масҳ тортишнинг мустахаб ва макруҳ амаллари ҳамда оёқ кимийга масҳ тортишни ботил қиласиган (бузадиган) амаллар ҳақида ва шунингдек, бир оёқ кийимни бошқа оёқ кийим устидан кийиб масҳ тортишнинг ҳукмлари ва оёқ кийимнинг нимадан ясалгани, оёқ кийимга масҳ тортиш учун унинг чармдан ясалган бўлмоқлиги ёки чармдан бўлмаса ҳам, бўлавериши ҳамда усти очиқ ёки ёпик бўлган оёқ кийимларга масҳ тортишнинг ҳукми ҳақида муфассал сўз юритилган бўлиб, ушбу китобнинг муҳим қисмини ўз ичига қамраб олган.⁴¹

5. Нега Аҳли суннат уламолари оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисларни зарурат ва ноҷорлик ҳолатларига ёки сафарда бўлган ва урушлар рўй берган пайтлар каби оёқ кийимни оёқдан ечиб бўлмайдиган жуда қийин ва ўта оғир шароитларга қарата ворид бўлган хос ҳадислар деб айтишмаган?

Бу саволларнинг деярли ҳеч бирига жавоб йўқ! Фақат кўр-кўrona муҳокамалар ва нотўғри қарашлар бир оддий масалада шов-шувга сабаб бўлган.

Бу саволлардан сўнг масаланинг асосий далилларига ўтиб, ҳадислар орасидан мазкур фатвонинг асл маъно-моҳиятини ва унинг оқилона ечимини топиш лозим бўлади. Таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадислар бир неча гуруҳдан иборат:

А. Сарвари олам Аҳли-Байтларидан ривоят қилинган ҳадисларда бир овоздан оёқ кийимга масҳ тортиш қатъий тарзда инкор этилган. Мисол тариқасида айрим ҳадисларни бу ерда келтирамиз:

1. Шайх Тусий Абу Ал-Вардан ривоят қиласиди. Абу Ал-Вард айтади: Мен Имом Абу Жаъфарга, яъни Имом Боқир (*алаиҳис салом*)га дедим: Абу

39. «Ал-Фиқҳ Алал-Мазаҳибил-Арбаъа», 1-жилд, 135-бет.

40. Юқоридаги манба, 1-жилд, 136-бет.

41. Юқоридаги манба, 1-жилд, 135-бетдан 147-бетларгача.

Забённинг ривоят қилишича, у ҳазрат Али (*алайхис салом*)ни сув қуйиб, сўнг чорикқа масҳ тортган ҳолда кўрган эмиш. Бас у ҳазрат шундай дедилар:

«كَذَبٌ أَبُو ظَبْيَانُ، أَمَا بَلَغَكَ قَوْلُ عَلَيِّ (عليه السلام) فَيَكُمْ سَبَقَ الْكِتَابَ الْخُفَّيْنِ؟ فَقَلْمَتْ : هَلْ فِيهِ مَا رُخْصَةَ؟ فَقَالَ : لَا، إِلَّا مِنْ عَدُوٍّ تَقْيِيَةً أَوْ ثَلْجٌ تُخَافُ عَلَى رِجْلِيْكَ».

«Абу Забён ёлгон айтган. Ҳазрат Али (*алайхис салом*)нинг Қуръони Карим (Моида сурасининг таҳоратда оёқларга масҳ тортиши ҳақидаги ояти) оёқ кийимга масҳ тортишидан ошиб ўтди, деган сўзлари сенга етиб келмадими? Шунда мен: Оёқ кийимга масҳ тортиши учун рухсат этилганми? дедим. Ул ҳазрат: «Йўқ! Магар душманга дуч келганда тақия юзасидан паноҳ топмоқчи бўлсанг ёки қор ерни қотлаб, оёқларингга зарар етказишидан қўрқсанг, у ҳолда бу ишини бажариш жоиз бўлади», дедилар».⁴²

Бешинчи пешвоимиз Имом Муҳаммад Боқир (*алайхис салом*)дан ривоят қилинган бу ҳадисдан очик-ойдин шуни тушуниш мумкинки:

Биринчидан, ҳазрат Али (*алайхис салом*)дан кўп ўринларда «Қуръони Карим оёқ кийимга масҳ тортишидан ошиб ўтди», деб ривоят қилинган ҳадис бизга ҳеч нарса Аллоҳнинг Каломи Қуръони Каримдан олдинга ўта олмаслигини ва агар бирор ҳадиснинг маъно-мазмуни Қуръон оятларига, у ҳам бўлса, ҳеч бир оятлари насх (бекор) қилинмаган Моида сурасидаги таҳорат оятига зид топилса, у ҳадисни бошқа маънога тафсир қилиш ва изоҳлаш кераклигини ошкора англатади.

Иккинчидан, Имом Боқир (*алайхис салом*)нинг юқоридаги ҳадисда бизга йўл кўрсатиб айтишларидан ушбу маъно яққол тушуниладики, агарда оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақида бирор ҳадис етишган бўлса-да, уни қаттиқ совуқ каби оёқларга зарар етиш хавфи бўлган зарурат ва ночор ҳолатларга хос ва чекланган деб билмоқлик керак.

2. Марҳум Шайх Садуқ ўзининг «*Ман Лаа Яҳзурухул Фақиҳ*» номли китобида мўминлар амири ҳазрат Али (*алайхис салом*)дан ушбу ҳадисни ривоят қиласди:

«إِنَّمَا أَهْلَ بَيْتٍ لَا نَهْسَحُ عَلَيِّ الْخُفَّيْنِ فَمَنْ كَانَ مِنْ شِيعَةَ هَذَا فَلَمْ يَقْهَدْ بِهِنَا وَلَيْسَ مَنْ بِسُنْنَةَ هَذَا».

42. Шайх Тусий Муҳаммад ибн Ҳасан, «Таҳзийбул аҳком», 1-жилд, 362-бет, 1092-ҳадис.

«Биз Аҳли-Байт [пайтоқ ва чориқ каби] оёқ кийимга масҳ тортмаймиз. Бас кимда-ким бизнинг шиаларимиздан бўлса, бизга эргаисин ва бизнинг йўлимизни тутсинг». ⁴³

3. Бошқа бир ҳадисда Имом Жаъфар Содик (*алаиҳис салом*)дан шундай ривоят қилинади:

«مَنْ مَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ فَقَدْ خَالَفَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَكِتَابَهُ وَوُضُوئُهُ لَمْ يَقْمِ، وَصَلَاتُهُ غَيْرُ
مُجْزَيَّةٍ»

«Ким [пайтоқ ва чориқ каби] оёқ кийимга масҳ тортса, унда Аллоҳга, Унинг Расулига ва Китобига қарши чиққан бўлур ва унинг олган таҳорати тўйлик бўлмас ҳамда ўқиган намози ҳам кифоя эмасдир». ⁴⁴

Оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз эмаслиги ҳакида ҳазрат Али (*алаиҳис салом*)дан ворид бўлган ҳадисларни эътиборга олган ҳолда Аҳли суннатнинг йирик тафсирчи ва илоҳиётчи олими Фахриддин Ар-Розийнинг намозда “Бисмиллах”ни жаҳр ҳолда, яъни овоз чиқариб ўқиш ёки ихфот ҳолда, яъни секин ўқиш масаласига доир айтган сўзларини эсга оламиз. Бир тоифа мусулмонлар “Бисмиллах”ни намозда секин ўқиш кераклигини айтсалар, ҳазрат Али (*алаиҳис салом*) эса “Бисмиллах”ни намозда овоз чиқариб ўқиш лозим деб билганлар. Фахриддин Ар-Розий ушбу масалада ҳазрат Али (*алаиҳис салом*)га эргашиш тўғри эканлигини уқтириб айтади:

«من اتَّخَذَ عَلَيْهِ مَا إِمَامًا لِدِينِهِ فَقَدْ اسْتَمْسَكَ بِالْعَرُوْةِ الْوَثْقَى فِي دِينِهِ وَنَفْسِهِ».

«Кимки Али (*алаиҳис салом*)ни ўз динига раҳнамо қилиб олса, динида ҳам, жонида ҳам энг мустаҳкам тутқиини ушлаган бўлур». ⁴⁵

Юқорида келтирилган далиллардан таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз эмаслиги исботланган бўлса-да, шунга қарамай ушбу масала ҳакида ворид бўлган ҳадисларни ўрганиб чиқамиз.

Таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш жоизлиги ҳакидаги ҳадислар икки тоифадан иборат:

Биринчи тоифа: Таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортишга мутлақо рухсат этувчи ҳадислар. Мисол тариқасида, Саъд ибн Абул Ваққоснинг

43. Шайх Садук, «Ман Лаа Яҳзурұхұл Фақиҳ», 4-жилд, 298-бет, 898-ҳадис.

44. Шайх Хур Омилий, «Васоилүш-шия», 1-жилд, 279-бет, 18-ҳадис, 15-боб, вузу бобларидан.

45. Фахриддин Ар-Розий, «Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатиҳұл гайб», 1-жилд, 207-бет.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) дан таҳоратда оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақида ривоят қилган марфуъ ҳадиси, яъни ровийлар силсиласида узилиш бўлган ҳадис:

«أَنَّهُ لَا بِمَسْ بِالْوُضُوءِ عَلَيِ الْخُفَّيْنِ».

«Пайтоққа масҳ тортуб, таҳорат олишининг ҳеч бири зарари йўқ [бу иш жоиз]».⁴⁶

Абу Бакр Байҳақий ўзининг «Ас-Сунанул Кубро» номли китобида ушбу мазмунда бошқа бир ҳадисни Ҳузайфадан қуидагича ривоят қиласи:

«مشی رسول الله (صلی الله علیہ وآلہ) إلی سباطة قوم فبال قائمًا، ثم دعا بهم فجنته بهم فتوضأ ومسح على خفَّيْه».⁴⁷

Узр сўраб буткул шармандалик билан ноҷорлик юзасидан ҳадисни таржима қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) бир қавмнинг ахлатхонасига бориб, тик турган ҳолда сийдик қилдилар. Кейин ул зот сув сўрадилар ва мен (Ҳузайфа) ул ҳазратга сув олиб келдим. Шунда у зот таҳорат олиб, чориқларига масҳ тортдилар».⁴⁷

Минг маротаба таассуфлар бўлсинки, ушбу уятли ҳадис Аҳли суннатнинг энг мўътабар манбалари бўлмиш «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» китобларига ҳам кириб келишга улгурган. Мазкур ҳадис «Саҳиҳи Бухорий» китобининг бир жойида юқоридаги таъбир билан ривоят қилинган ва бошқа жойда эса бир оз лафзий ихтилоф билан қуидагича ривоят қилинган:

٢٢٣ - حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ قَالَ: حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ مَنْصُورٍ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ حُمَيْدَةَ قَالَ: رَأَيْتُنِي أَنَا وَاللهُ يَعْلَمُ نَذَرَنَاشِي، فَأَتَى سُبَاطَةَ قَوْمٍ خَلْفَ حَائِطٍ، فَقَامَ كَمَّا يَقُولُ أَحَدُكُمْ، فَبَمَالَ، فَإِذْ تَبَدَّلَ مِنْهُ، فَأَشَارَ إِلَيَّ فَجَنَّهُ، فَقَمَتْ عِنْدَ عَقْبَهِ حَتَّى فَرَغَ.

Ҳузайфа айтади: «Мен Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) билан биргаликда йўл юриб кетаётгандик. Кейин ул зот бир қавмнинг девор орқасидаги ахлатхонасига етиб келгач, сизлардан бирингиз тик турганидек тик туриб пешоб қилдилар. Шунда мен у ҳазратдан

46. Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 1-жилд, 269-бет.

47. Юқоридаги манба, 1-жилд, 270-бет.

узоқлашдим. Сүнг у зот менга ишора қилғаң, олдиларига келиб, у зот бүшагунларига қадар орқа томонларида турдим».⁴⁸

Ушбу ҳадис «Саҳиҳи Муслим» китобида ҳам лафзий ихтилоф билан қуидагича ривоят қилинган:

٧٣ - (٢٧٣) حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ. أَخْبَرَنَا أَبُو خَيْرٌ مَعْلُومٌ عَنْ شَفَّاقِ، عَنْ حَمْدَيْفَةَ؛ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْتَهَى إِلَى سُبَاطَةَ قَوْمٍ فَبَمَالِ قَائِمًا فَتَنَاهَيْتُ. فَقَالَ "اذْنُهُ فَلَذَّنَتْ حَتَّى قُمْتُ عِنْدَ عَقِيبِهِ فَوْضًا فَمَسَحَ عَلَى خَفِيهِ.

Хузайфа айтади: «Мен Пайгамбар (*сөллаллоху алайхи ва олихи васаллам*) билан бирга әдим. Шунда у зот йўлда бир қавмнинг ахлатхонасига дуч келдилар. Бас ул ҳазрат тик турган ҳолда ёзилдилар. Шунда мен бир четга чиқиб узоқлашдим. Кейин у зот менга: «яқин кел», дедилар. Шунда мен у зотга яқинлашиб, орқа томонларида турдим. Бас, у зот таҳорат олиб, оёқ кийимларига масҳ тортдилар».⁴⁹

Юқоридаги ҳадисда Расулуллоҳ (*сөллаллоху алайхи ва олихи васаллам*) нинг мақом ва мавқеларига тўғри келмайдиган ва фақат нопок кишилар томонидангина содир этиладиган ўта қабих ва номақбул амалнинг у зотга нисбат берилиши ушбу ҳадиснинг заиф эканлигини билиш учун кифоядир.

Қандай қилиб Пайғамбар (*сөллаллоху алайхи ва олихи васаллам*) дек буюк зотга «тик турган ҳолда пешоб қилганлар», деб нисбат бериш мумкин. Ваҳоланки, буюк саҳоба бўлган Ибн Масуд розияллоҳу анҳудан бу борада шундай ривоят қилинган:

وَقَدْ رُوِيَّ عَنْ أَبْنَى مُسْعُودَ قَالَ: «إِنَّهُ مِنَ الْجَفَاءِ أَنْ تَبُولَ وَأَنْتَ قَائِمٌ».

«Тик турган ҳолда сийдик қилишинг зулм-жафодандир».⁵⁰

Сарвари оламнинг завжалари Оиша онамиз ҳам Расулуллоҳ (*сөллаллоху алайхи ва олихи васаллам*) бундай жирканч ишни зинҳор қилмаганлар ва бу маънодаги ҳадисни қабул қилмангиз, деганлар:

48. Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳұл Бұхорий», 1-жилд, 90-бет, 4-Китобул вузу, 60-Боб: ал-бавлу қоиман ва қоғыдан, 222-ҳадис ва шунингдек, 61-Боб: ал-бавлу ъинда сохибиҳи ваттасаттуру бил-хойти, 223-ҳадис.

49. Муслим ибн Ҳажжож, «Саҳиҳұл Муслим», 1-жилд, 228-бет, 2-Китобут-таҳорах, 22-Боб: Ал-масху ъалал хуффайн, 273-ҳадис.

50. Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунану Ибн Можаҳ», 1-жилд, 112-бет, 308-ракамли ривоят.

عَنْ عَائِشَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - قَالَتْ: مَنْ حَدَّ ثُكُومً أَنَّ اللَّهَ يُبَيِّنُ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - كَمَا يَبَوُلُ
قَائِمًا فَلَا تُصَدِّقُوهُ، مَا كَانَ يَبَوُلُ إِلَّا قَاعِدًا.

«Ким сенга Пайгамбар (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) тик турган ҳолларида пешоб қилғанлар, деса, уни тасдиқ этма. У зот фақат ўтирган ҳолдагина ёзилардилар».⁵¹

Бизнинг ишончимиз комилки, Сарвари коинотга бундай ножўя ва номақбул амални нисбат берган ушбу ҳадис тўқима ҳадислардан бўлиб, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) нинг юксак мақом ва мартабаларини ерга уриш учун баъзи мунофиқ шахслар томонидан тўқилган ва кейин эса “Саҳиҳи Бухорий” ва “Саҳиҳи Муслим” каби китобларга уларнинг муаллифларининг соддалиги туфайли кириб келган.

Сарвари олам ҳар тугул, озгина ҳурмат-иззатга эга бўлган бирор бир киши кўп номақбул оқибатларга олиб келадиган бундай жирканч ишни қиласди, деб ўйлайсизми?! Ҳатто қалам ҳам уни тасвирлашга уялади. Ахли суннатнинг “Сиҳоҳ” китобларига ҳам ушбу мазмундаги ҳадислар кириб келгани жуда ачинарли ҳолат ва таассуфки сунний уламолар ҳозиргacha бундай ҳадисларга асосланиб, хутбалар ўқиб маърузалар қилишади.

Ҳаттоки баъзи бир сунний уламоларнинг айтишича, Пайғамбар (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) тик турган ҳолда ёзилиш жоиз эканини кўрсатиш учун ўзлари амалда бу ишни қилғанлар. Токи, ўтирган ҳолда пешоб қилиш мумкин бўлмаган ноchorлик ҳолатида тик турган ҳолда ҳам ёзилиш жоиз эканлиги ҳаммага маълум бўлсин. Ҳолбуки, ноchorлик пайтида тик турган ҳолда пешоб қилиш жоиз эканини мусулмонларга етказиш учун ҳадис шаклида сўз билан айтишнинг ўзи кифоя эди, бир қавмнинг ахлатхонасига бориб, у ерда тик туриб ёзилишга ва бу ишни амалда кўрсатиб беришга ҳеч ҳожат йўқ эди!!

Шак-шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг Куръони Каримдаги каломига биноан, ҳамма учун энг гўзал намуна ва ўрнак бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) томонларидан бундай ахлоқсиз, жирканч иш ҳатто бир марта ҳам содир бўлмаган, балки Ахли суннат наздида иккинчи халифа деб тан олинган Умар ибн Ҳаттобни тик туриб ёзилаётган ҳолда кўрган Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) уни бу

51. Суҳайб Абдул Жаббор, «Ал-Жами‘ус-соҳиху лиссунани вал-масонид», 23-жилд, 150-бет, Китоб: Одобу дуҳулил ҳалои ва қазоул ҳожати, Боб: Ал-Бавлу жолисан.

ишдан қайтарғанлар. Ибн Можаҳ ўзининг «Сунан» китобида бу борада шундай ривоят қиласы:

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: «رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَبُو لُؤْلُؤَ قَائِمًا، فَقَالَ: يَا عُمَرُ لَا تَبْلُغْ قَائِمًا».

Умар ибн Хаттоб айтади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менинг тик турған ҳолда сийдик қилаётганимни күриб: «Эй Умар, тик турған ҳолда ёзилма», дедилар».⁵²

Энди Умар ибн Хаттобнинг ушбу ножӯя ва номақбул ишини оқлаш учун бундай ахлоқсиз ишни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам қилғанлар, деб у зотга ҳам тўнкаш Исломдан ҳамда мусулмонлик хулқидан буткул йироқдир!!

Ҳар ҳолда юқорида келтирилган ҳадисларда ва шуларга ўхшаш бошқа ҳадисларда оёқ кийимларга масҳ тортиш учун маҳсус шарт ва талаблар зикр қилинмаган.

Иккинчи тоифа: Ушбу ҳадислардан оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз бўлган тақдирда фақат зарурат ва ночор ҳолатларигагина хос эканлигини тушуниш мумкин. Мисол тариқасида:

Миқдом ибн Шурайх Оишадан шундай ривоят қиласы: Мен Оиша онамиздан оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақида сўрадим. Шунда у менга: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга сафарда бўлган ҳазрат Алининг ҳузурига бориб сўра, деди. Мен у ҳазратнинг ҳузурларига бориб, бу ҳақда сўраганимда, шундай дедилар:

كَذَّا إِذَا سَافَرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَأْمُرُنَا بِالْمَسْحِ عَلَىٰ خَفَافِنَا».

«Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга сафарга чиққанимизда, ул зот чориқларимизга масҳ тортишини бизга буюрадилар».⁵³

Ҳадисда келган таъбир оёқ кийимга масҳ тортиш сафарга чиқиш каби зарурат ва ночорлик ҳолатларигагина хос эканлигини очиқ айтиб турибди. Чунки, ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бизга сафарда бўлган пайтларда чориқларимизга масҳ тортишини буюрадилар, дейилган ва шунга ўхшаш бошқа ҳадислар ҳам ушбу мазмунда ворид бўлган.

52. Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунану Ибн Можаҳ», 1-жилд, 112-бет, 309-ҳадис.

53. Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 1-жилд, 272-бет.

Биз олдиндан ҳукм чиқармасдан Аҳли суннатнинг машҳур манбаларида келган ҳадислар тўпламига дикқат-эътибор қаратсак, қуидаги хulosаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан; Усул илмидаги машҳур қоида, яъни мутлақ билан муқайяд ўртасини мутлақни чеклаш орқали жамлашга доир қоидага қўра, оёқ кийим устидан масҳ тортишга мутлақо рухсат берган ҳадислар зарурат ва ночорлик ҳолатларига қарата айтилган бўлиб, ушбу ҳолатларга хос деб билишимиз керак. Масалан: Сафар ёки жанг майдони ёки шунга ўхшаш ҳолатлар. Қизиғи шундаки, “Сунани Байҳақий” китобида қанча вақт миқдорида оёқ кийимга масҳ тортиш жоизлиги ҳақида муфассал боб тузилган бўлиб, унда бир неча ҳадислар билан оёқ кийимга масҳ тортиш сафарда уч кунгача ва ҳазарда (ўз юртида) эса бир кунгача чеклаб қўйилган.⁵⁴

Ушбу мазмундаги ҳадисларнинг барчаси оёқ кийимга масҳ тортиш фақат зарурат ва ночорлик ҳолатларига хос экалигига очиқ далил эмасми? Ва оддий ҳолатда эса оёқ кийимларни ечиб, тўғридан-тўғри оёққа масҳ тортмасликка нима далил бўлиши мумкин?

Баъзиларнинг маҳси, пайпоқ ва чориқ каби оёқ кийимларга масҳ тортиш Ислом умматидан машаққат ва қийинчиликни олиб ташлаш учун бўлган, деб айтишлари ҳам қабул қилинадиган гап эмас. Чунки маҳси, пайпоқ ва чориқ каби оддий оёқ кийимларни ечишнинг озгина қийинчилик жойи ҳам йўқ.

Иккинчидан; Аҳли Байт ва Аҳли Суннатнинг машҳур манбаларида ҳазрати Али (*алаиҳис салом*)дан қўп маротаба ривоят қилинган ҳадисга қўра, ул ҳазрат оёқ кийимга масҳ тортишни Моида сурасининг 6-ояти нозил бўлишидан олдин бўлган, деганлар. Демак, ушбу ҳадисга биноан,agarда оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз бўлган бўлса ҳам, таҳорат ҳақидаги ояти қариманинг нозил бўлгунига қадар жоиз бўлган. Бироқ мазкур оят нозил бўлгандан кейин ҳатто урушлар ва сафарда ҳам оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз бўлмаган. Зероки, мусулмонлар оёқ кийимни ечиш қийин ва муаммоли бўлган ҳолатларда таҳорат ўрнига таяммум қилганлар. Чунки таяммум қилиш кўрсатмаси ҳам худди шу оятнинг остида умумий ҳолда зикр қилинган.

Учинчидан; Агар баъзи саҳобалар пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*)ни ҳазарда, яъни яшайдиган жойларида оёқ

54. Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Ас-Сунанул Кубро» ёки «Сунани Байҳақий», 1-жилд, 275 ва 276-бетлар.

кийимларига масҳ тортаётган ҳолда кўрган бўлсалар, бунинг сабаби у зотнинг оёқ кийимларининг усти очиқ бўлиб, унинг орасидан бевосита оёққа масҳ тортиш мумкин бўлган.

Бу баҳснинг ҳайратланарли томони шундаки, оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисларни ривоят қилган шахслар гоҳида Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)* нинг хузурларига шарафёб бўлганлар. Лекин доимо Пайғамбарнинг хузурларида бўлган ҳазрат Али *(алаиҳис салом)* эса Аҳли суннатнинг машҳур ҳадисларига кўра, оёқ кийимга масҳ тортиш масаласини ҳеч қачон қабул қилмаганлар.

Бундан ҳам ҳайратланарлироғи шундаки, кўп вақтлар Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)*ни кўриб юрган Оишадан оёқ кийимга масҳ тортиш масаласи борасида шундай ривоят қилинган:

«لَئِنْ تَقْطُعْ قَدْمَاهُ أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنْ أَنْ أَمْسِحَ عَلَى الْخَفَّيْنِ».

«Чориққа масҳ тортишидан кўра икки оёгим кесиб ташланса, менга суюклироқдир».⁵⁵

Таҳорат оятида қўлларни қандай ювиш кераклиги ҳақида

Шубҳасиз, таҳорат ояти Ислом умматига қандай таҳорат олишни ҳамда таяммум қилишни ўргатиш учун Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган бўлиб, ушбу ояти карима асрлар давомида қиёматга қадар бўлган барча мусулмонларга қарата айтилган. Шунинг учун, бундай оятнинг маъномазмуни ва ундан нима назарда тутилгани аниқ, равshan ва тушунарли бўлиши керак. Токи пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам)* замонларида яшаган саҳобалар ҳам, ундан кейинги даврда яшайдиган қолган мусулмонлар ҳам бу оятни тушуниб, ундан фойдалана олсинлар.

Таҳорат оятини икки жиҳатдан тадқиқ қилиш ва ўрганиб чиқиши мумкин:

Биринчиси: Таҳоратда қўлларни қандай ювиш кераклиги тўғрисида. Таҳоратда қўлларни юқоридан пастга ювиш фарзми ёки аксинча, пастдан юқорига қараб ювиш фарз қилинганми?

Иккинчиси: Таҳоратда оёқларнинг хукми қандай? Оёқларга масҳ тортиш фарзми ёки уларни ювишми?

55. Муҳаммад бин Аҳмад Ас-Саҳарсий (483 ҳижрий йилда вафот этган), «Ал-Мабсүт», 1-жилд, 98-бет, Байрут, Дорул маърифа нашри, 1406 ҳижрий қамарий йил.

Биз шу ерга қадар иккинчи масалани батафсил ўрганиб чиқиши натижасида таҳоратда фақат оёқларга масҳ тортиш буюрилгани ва фарз қилинганини, оёқларни ювиш эса насх, яъни бекор қилинганини ёки кейинчалик пайдо бўлган бидъат амал эканини далил-исботлар билан маълум қилдик. Энди эса биринчи масалани, яъни таҳоратда қўлларни ювиш тартибини ўрганиб чиқамиз.

Дастлаб, таҳорат оятини келтириб, унинг маъно-мазмунини кўздан кечирамиз:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ
وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ﴾

«Эй иймон келтирғанлар, қачон намозга турсаларингиз, юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсаклари ила ювингиз. Ва [таҳорат сувидан намланган қўлларингиз билан] бошларингизга ҳамда оёқларингизга бўғимларгача масҳ тортингиз» (Моида сураси, 6-оят)

Ислом умматининг уламо ва фуқаҳолари таҳоратда икки қўлни ювиш тартиби борасида ихтилофга борганлар. Сарвари коинот Аҳли-Байтларидан бўлган имомлар ва у зотларга эргашган шиалар таҳоратда икки қўлни тирсакдан бошлаб бармоқлар учигача ювишни тўғри ва суннат, деб биладилар. Уларнинг бунга далиллари эса таҳорат оятининг урф наздидаги тушунилган зоҳирий маъносидир. Бундай ҳолатларда инсонлардаги умумий урф тушунчасига кўра, таҳорат каби иш-фаолиятларни амалга ошираётганда юқоридан бошлаб пастгача давом эттириш керак бўлади. Мисол тариқасида, агар шифокор беморга: Оёғингизни илиқ сув билан тиззагача ювинг, деса, бемор ҳам ўша умумий урф тушунчасига асосан амалда кенг қўлланадиган тартиб бўйича, оёқларини юқоридан пастга қараб ювади.

Ёки уй эгаси ганчкорга: “Бу хонанинг деворларини шифтигача бўянг”, деса, ганчкор амалда кенг қўлланадиган одатий тартиб бўйича деворларни юқоридан бошлаб пастгача ранглайди. Ганчкорнинг хаёлига уй эгаси ёки беморнинг фикрига шифокор «إِلَى», яъни «гача» сўзини иш-фаолиятнинг тугалланиш нуқтасини кўрсатиш учун ишлатгани сира келмайди ҳам. Яъни беморнинг фикрига оёқларини илиқ сув билан ювиш бармоқлар учидан бошланиб тиззаларда тугаши сира келмайди, шунингдек деворларни бўяш пастдан бошланиб шифтда тугаши ганчкорнинг хаёлига асло келмайди,

балки улар «إلى»، яъни «гача» сўзи зарур бўлган миқдорни белгилаш учун ишлатилган деб тушунишади.

Кўлларни ювиш тартибига келсак, бу иш ҳам шубҳасиз, умумий урф тушунчаси бўйича одатий тарзда амалга оширилади, у ҳам бўлса, юкоридан бошланиб пастгача давом этадиган энг осон ва енгил услугуда бажарилади. Бунинг маъноси таҳорат оятида қўлларни ювишга чақирилганда, фақат ювиладиган миқдорни белгилаб берилиши назарда тутилгандир, холос. Яъни қўлни ювмоқлик қаердан бошланиб, қаерда тугаши назарга олинмай фақатгина ювиш миқдори назарда тутилган. Агар умумий урф тушунчаси шундай бўлса, унда юкорида келтирилган таҳорат оятида ҳам икки қўлни ювиш худди шу йўсинда амалга оширилмоғи лозим. Шу боис, тафсирчи олимлар ушбу оятнинг тафсирида икки мазҳабдан бирини қўллаб-куватлаш учун турли жиҳатлар ва маъно-мазмунларни кўтариб чиқиб, машаққат ва такаллуфга тушишлари тўғри иш бўлмаган.

Тўғри, муфассирлар ўртасида таҳоратда икки қўлни ювиш тирсакдан бошланиб, бармоқларнинг учигача давом этадими ёки бунинг акси ўлароқ, бармоқлардан бошланиб тирсаккача ювиладими, ихтилоф мавжуд ва бу борадаги асосий ихтилоф эса оятдаги «إلى»، яъни «гача» сўзи қайси сўзга боғлиқ эканини аниқлашда юзага келган. Яъни «إلى» «гача» сўзи ювилиши лозим бўлган «الى يدي»، яъни “қўллар” учун қайд-шарт сифатида келтирилганми ёки «واغسلوا» “ювинглар” феъли учун қайд-шарт бўлиб келганми?

Агар «إلى» «гача» сўзи «الى يدي»، “қўллар” учун қайд-шарт бўлиб келган бўлса, унда оятнинг маъноси “қўлларни тирсакгача бўлган миқдорда ювиш вожиб” демакдир. “Қўл” сўзи бармоқларни, билакни ва тирсакни то елкагача ўз ичига қамраб олган умумий сўз бўлгани учун қўлнинг ювилиши зарур бўлган миқдорини белгилаш мақсадида «إلى» «гача» сўзи келтирилган. Токи, қўлнинг ювиладиган миқдори “тирсакларга” қадар чегаралангандиги ҳаммага маълум ва тушунарли бўлсин. Агар қўл сўзи турли қисмларни ўз ичига олган кенг қамровли сўз бўлмаганида ва қўлнинг ювиладиган миқдори айрим қисмлар бўлмаганида эди, «إلى»، яъни «га» предлоги зикр қилинмаган бўларди. Демак, ушбу «إلى»، яъни «гача» предлоги қўлнинг ювиладиган миқдорини чеклаш учун келтирилган.

Бироқ агар «إلى» «га» предлоги «واغسلوا» “ювинглар” феъли учун қайд-шарт бўлиб келган, деб айтадиган бўлсак, у ҳолда зора, қўлни бармоқлардан

бошлаб тирсакгача ювиш зарурлигини англатар ва гўё Аллоҳ таолонинг каломи: “Қўлларингизни тирсакларгача ювинглар” деган маънода бўлар.

Аммо ушбу маънодаги ноаниқлик яшириладиган нарса эмас. Зеро, маълумки, бундай ўринларда амалда кенг қўлланадиган одатий тартиб бўйича юқоридан бошланиб пастга қараб ювилади.

Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш лозимки, агар ҳам «إِلَى» «га» предлоги «وَاعْسُلُوا» «ювинглар» феъли учун қайд-шарт ва чеклаш бўлиб келганини қабул қилсак-да, аммо ушбу предлогнинг маъноси иш-фаолиятнинг тугалланиш нуқтасини айтиш учун ишлатилганини қабул қилмаймиз, балки «إِلَى» «га» предлоги ушбу ояти каримада “ билан”, “ бирга” маъносини англата олади, яъни «қўлларингизни тирсаклари билан ювинглар». Албатта, «إِلَى» «га» предлогининг “ билан” ва “ бирга” маъносида қўлланиши Қуръони Каримда ва Араб тили адабиётида жуда кўп учрайди. Бу борада Қуръон оятларидан бир неча намуналар келтирамиз:

﴿وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَيَّ أَمْوَالُ الْكُفَّارِ﴾

«Уларнинг [етимларнинг] молларини ўзингизнинг молларингиз билан бирга еб юборманг» (Нисо сураси, 2-оят).

﴿فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَى مِنْهُمُ الْكُفُرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ﴾

«Қачонки Ийсо улардан кофирикни сезиб қолгач: «Кимлар Аллоҳ билан бирга менга ёрдамчи бўлади?!» деди» (Оли Имрон сураси, 52-оят).

﴿وَيَزِدْ كُمْ قُوَّةً إِلَيْ قُوَّاتِكُمْ﴾

«Ва У куч-қувватингиз билан яна куч-қувватни зиёда қиласар» (Худ сураси, 52-оят).

Араб тилидаги мақолда шундай дейилади:

«ولى فلان الكوفة إلى البصرة، أي مع البصرة»

«Фалончи киши Күфага Басра билан бирга ҳоким бўлди, яъни Басрага ҳоким билиши билан бирга Күфага ҳам ҳоким бўлди».

Кўриб турганингиздек, «إِلَى» «га» предлоги юқоридаги ўринларда иш-фаолиятнинг тугалланиш нуқтасини баён қилиш маъносида эмас, балки “ билан” ва “ бирга” маъносида келган.

Юқорида айтилганлар таҳоратда қўлларни ювиш тепадан, яъни тирсакдан бошланиб пастга қараб, яъни бармоқлар томон амалга оширилиши зарур экалигига аниқ далиллардир. Ушбу далилларга кўра, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, таҳоратда қўлларни ювиш амалда кенг қўлланадиган одатий тартибга бўйсунган ҳолда тепадан пастга қараб амалга оширилмоғи зарур.

Сарвари коинотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган имомлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) нинг таҳоратларини қуидаги тартибда ривоят қилганлар:

أخرج الشيخ الطوسي بسنده عن بكير و زراره بن أعين، أنَّهُما سَلَّا أبا جعفر عن وضعه رسول الله صلى الله عليه وآله وسلَّمَ فدعا بطبست أو بتَوْر في الماء، فغسل كفَّيه، ثمَّ غمس كفَّه اليمني في التور فغسل وجهه بها، واستعان بيده اليسرى بكفَّه على غسل وجهه، ثمَّ غمس كفَّه اليسرى في الماء فاغترف بها من الماء فأفرغه على يده اليسرى إلى الأصابع لا يرد الماء إلى المرفقين، ثمَّ غمس كفَّه اليمني في الماء فاغترف بها من الماء فأفرغه على يده اليسرى من المرفق إلى الكف لا يرد الماء إلى المرفق كما صنع باليمني، ثمَّ مسح رأسه وقدميه إلى الكعبين بفضل كفَّيه ولم يجدد ماء.

Шайх Тусий ўз санади билан Буқайр ва Зурора ибн Аъяндан ривоят қилади: «Улар Абу Жаъфар, яъни Имом Мұхаммад Боқир (алаїхис салом)дан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) нинг таҳоратлари ҳақида сўрашиди. Шунда Имом ҳазратлари бир тогора ёки кичик бир идишда сув келтиришини сўрадилар. Сўнгра ул ҳазрат ўнг кафтлари ила сув олиб, юзларини ювдилар ва юзларини ювишда чап қўлларининг кафтидан ёрдам олдилар. Сўнг чап қўлларининг кафти билан идишдан бир ҳовуч сув олиб, ўнг қўлларини тирсакдан бошлаб бармоқларигача ювдилар, ювиш асносида сувни тескари ҳолда тирсак томонга қайтармадилар. Сўнгра ўнг қўлларининг кафти билан бир ҳовуч сув олдилар-да, ўша сувни чап қўлларига қуийиб, чап қўлни тирсагидан бошлаб кафтигача ювдилар. Ўнг қўлни ювганларидек ювиш асносида сувни тескари ҳолда тирсак томонга қайтармадилар. Кейин эса кафтларидаги намлик билан бошларига ҳамда икки оёқларига бўгимларигача масҳ тортдилар ва масҳ тортшиш учун идишдан сув олмадилар».⁵⁶

Аллоҳ таоло таҳорат оягининг охирида шундай марҳамат қилади:

56. Шайх Тусий, «Таҳзийбул аҳком», 1-жилд, 59-бет, 158-ҳадис.

﴿مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِّنْ حَرَجٍ وَلَا كُنْ يُرِيدُ لِيُطْهِرَكُمْ وَلِيُقْتَمَ نِعْمَةٌ هُنَّ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Аллоҳ сизларга мишаққатли бўлишини истамас. Лекин У сизларни поклашини ва сизларга ўз незъматини комил қилиб беришини истайди. Шоядки шукр қиласаларингиз» (Моида сураси, 6-оят).

Нима учун шиаларнинг таҳорат олиши суннийлардан фарқ қилади?

ХУЛОСА ВА НАТИЖА

Ушбу асарда юритилган баҳсадан қуидаги хулосаларни олиш мумкин:

1. Куръони Каримдаги таҳорат ояти, яъни Моида сурасининг 6-ояти фарз амал сифатида оёқларга масҳ тортишни англатади – хоҳ «أَرْجُلُكُمْ» сўзи мажрур, яъни касрали ҳолда ўқилсин ёки мансуб, яъни фатҳали ҳолда ўқилсин, ҳеч фарқ қилмайди. Ҳар иккала қироатда ҳам таҳорат олганда оёқларга масҳ тортиш зарурлиги тушунилади. Чунки, «أَرْجُلُكُمْ» сўзи «وَأَمْسَحُوا» «masҳ tortinglar» феълидан кейин келган ва шу боис, «أَرْجُلُكُمْ» сўзини ушбу феълдан олдин келган «فَاغْسِلُوا» «ювинглар» феълига боғлаб бўлмайди.

Шунингдек, Сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) нинг Аҳли-Байтларидан ривоят қилинган барча ҳадисларда таҳоратда оёқларга масҳ тортиш лозимлиги айтилган ҳамда Аҳли-Байтга тобе фақихларнинг фатволари ҳам шунга асосланган. Шу боис, Аҳли-Байт мактабида оёқларга масҳ тортиш зарурий масалалардан ҳисобланади. Ва шунингдек, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) ҳамда у зотнинг сахобалари, тобеинлар ва бошқа мусулмонлар таҳорат олганда оёқларига масҳ тортганлар. Бинобарин, таҳоратда оёқларни ювиш учун Қуръони Каримдан ҳамда ҳадиси шарифдан ҳеч бир асос ва далил йўқ, балки таҳоратда оёқларни ювиш бидъат амал бўлиб, учинчи халифа Усмон ибн Аффон даврида пайдо бўлган.

2. Аҳли суннатнинг уламо ва фуқаҳолари таҳоратда оёқ ювишни фарз деб биладилар, лекин уларнинг кўпчилиги оёқларни ювиш ўрнига маҳси ва пайпоқ каби оёқ кийимларга масҳ тортишни ҳам жоиз деб берадилар! Баъзилари эса ушбу амални фақат зарурат ва ночорлик ҳолатларига хос ва чекланган деб ҳисоблашади.

3. Аҳли суннат биродарларимизнинг китоб ва манбаларида оёқ кийимга масҳ тортиш ҳақида ворид бўлган ҳадислар шу қадар бир-бирига қарама-қарши ва зиддиятлики, ҳар қандай тадқиқотчида ушбу масалага нисбатан шубҳа уйғотади. Баъзи ҳадисларда оёқ кийимга масҳ тортишга мутлақо рухсат берилган бўлса, бошқа баъзиларида бу амал қатъиян ман этилган ва учинчи тоифа ҳадисларда эса бу амал зарурат ва ночорлик ҳолатларига хос ва чекланган бўлиб, сафарда оёқ кийимга масҳ тортишнинг миқдори уч кунга ва ҳазарда (яшайдиган жойида) эса бир кунга белгиланган.

4. Бу уч тоифа ҳадислар ўртасини жамлашнинг энг яхши йўли шуки, таҳоратда асосий мезон оёқларга масҳ тортишдан (суннийларга кўра, оёқларни ювишдан) иборат бўлиб, уруш ва машаққатли сафарлар каби зарурат ва ночорлик пайтларида эса оддий чорик ўрнига маҳси ва пайпоқ кийганда ва уларни оёқдан ечиш қийин ва машаққатли бўлганда, мусулмонлар оёқ кийимга масҳ тортганлар. Албатта, бу ҳолат Мойда сурасининг 6-ояти нозил бўлишидан олдин бўлган. Бироқ ушбу таҳорат ояти нозил бўлгач, таҳоратда фақат оёқларга масҳ тортиш фарз бўлган, лекин уруш ва оғир сафарлар каби машаққатли пайтларда эса таҳорат ўрнига таяммум қилиш буюрилган.

5. Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) барча мусулмонларга ўз Аҳли-Байтларининг сўзларини қабул қилиб, уларга эргашишни буюрганлар. У зот бу борада шундай марҳамат қилганлар:

«إِنِّي تَرَكْتُ فِيْكُمُ الْقُلُوبَ الْمُكَلَّهَةَ كِتَابَ اللَّهِ وَعَزَّزْتُهُ».

«Мен сизларнинг орангизда иккита қимматли нарсани – Аллоҳнинг Китобини ва Аҳли-Байтимни қолдираман».

Демак, Сарвари олам Аҳли-Байтларининг сўзлари ва кўрсатмаларига амал қилиш айнан Расууллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг айтганларига итоат қилиш бўлиб, ул зотнинг айтганлари фақат Аллоҳ таоло томонидан содир бўлган ҳақ сўздир. Шу боис, кимки Аллоҳнинг каломи Қуръони Карим ва Аҳли-Байт кўрсатмаларини маҳкам тутиб, уларга тобе бўлса, залолат ва йўлдан адашишдан нажот топади. Бинобарин, Қуръони Карим ва Аҳли-Байт кўрсатмаларига кўра, таҳорат олганда икки қўлни тирсакдан бошлаб бармоқларгача ювмоқлик ҳамда оёқларга масҳ тортмоқлик фарзdir.

НАЙОТКЕМАСИ.NET – Xalqaro Islomiy Axborot va Tadqiqot Markazida tayyorlandi.